

ХФР

1918-yil  
21-iyundan chiqqan  
boshlagan

№22, 2022-yil 1-iyun,  
chorshanba (32.716)

# O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

## ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 31 май куни аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Дунёда озиқ-овқат билан боғлиқ чекловлар ва нархларнинг ўсиши кун сайин кучаймоқда. Жаҳон бозорларида буғдой нархи 50 фоизга, ўсимлик ёғи 33 фоизга, шаккар 14 фоизга, нефть 47 фоизга ошди. Албатта, бу юртимиздаги нарх-навога ҳам таъсир кўрсатапти. Масалан, май ойида Қашқадарё ва Наманган вилоятларида картошка, ун, шаккар қimmatлашган.

Шу боис йиғилишда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, жумладан, паррандачилик ва чорвачиликни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама этилди.

Арзон, тўйимли ва тез етиштириладиган маҳсулотлар бу парранда гўшти ва тухумдир. Лекин, кўп вилоятларда парранда гўшти аҳоли талабига яраша етиштирилмаяпти. Бу йўналишдаги 50 дан зиёд йирик корхона ярим қувватда ишламоқда. Уларни озуқа, жумладан, буғдой билан таъминлашда қийинчиликлар мавжуд.

Бу масалани ҳал этиш учун аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 1 июндан бошлаб паррандачилик хўжаликларига буғдой сотиб олиш учун 400 миллиард сўм "револьвер" кредит ажратилади. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси орқали кредит гаровининг 50 фоизига кафиллик берилди ва 17 фоиздан ошган қисми компенсация қилинади. Шунингдек, паррандачилик хўжаликларига айланма маблағ учун бериладиган кредит муддатини узайтириш таклифи билдирилди.

Парранда маҳсулотлари бозорини таҳлил қилиш ва лойиҳаларни тўғри жойлаштириш, ишлаб чиқаришдан сотишгача бўлган барча жараёнларни рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Хонаки товукларни кооперация асосида боқиш ҳам яхши самара беради. Мисол учун, Нуробод туманида тадбиркорлар инкубатор тарқатиб, аҳоли билан бирга парранда гўшти ва тухум етиштиришни йўлга қўйган эди. Бугунги кунда бу маҳсулотлар тумандан ортиб, Самарқанд шаҳри ва қўшни туманларга ҳам етказиб берилмоқда.

Йиғилишда ушбу тажрибани кенгайтириб, паррандачилик хўжаликларини муайян маҳаллаларга бириктириш, аҳолига паррандачилик бўйича ўқувлар ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бундай хўжаликларга ҳар бир маҳалла учун оилавий тадбиркорлик дастурлари асосида 200 миллион сўмдан имтиёзли кредитлар ажратилади. Улар бу маблағ ҳисобидан аҳолини жўжалар ва озуқа билан таъминлайди.

Чорвачилик – аҳоли тўқлиги ва нарх-наво барқарорлигида муҳим соҳа. Энг кўп турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари шу тармоқда етиштирилади.

Жорий йил 8 февралда "Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, чорвачилик хўжаликларига гўштининг ҳар бир килограмми учун тўланадиган субсидия 2 минг сўмдан 4 минг сўмга, сутнинг ҳар бир литри учун 200 сўмдан 400 сўмга оширилди. Хориждан олиб келинадиган қишлоқ хўжалиги техникаси барча тўловлардан озод этилди. Соҳага 170 миллион доллар имтиёзли кредит линиялари очилди. 200 минг гектардан зиёд пахта ва ғалла майдонларига озуқабоп экинларни алмашлаб экиш белгиланди.

Йиғилишда шу борада амалга оширилаётган ишлар ҳудудлар кесимида кўриб чиқилди. Хусусан, соҳадаги имкониятлардан фойдаланиб, Андижон, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 18 минг бош молга мўлжалланган 35 та чорвачилик хўжалиги ташкил қилинди. Лекин, Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Наманган, Жиззах ва Тошкент вилоятларида 70 та комплексни ишга тушириш кечикаётгани қайд этилди. Аҳоли хонадонларида кооперация усулида гўшт ва сут етиштириш ҳам тизимли йўлга қўйилмаган.

Бундан ташқари, пахта ва ғалланинг ўрнига алмашлаб озуқа экиладиган 200 минг гектар майдон бўйича ҳам ишлар ҳалигача аниқ режалаштирилмаган.

Шу боис Бош вазир ўринбосарига алмашлаб экишни ҳар бир туман кесимида аниқ тасдиқлаб, ташкил этиш, фермерларни серҳосил озуқа уруғлари билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, чорва хўжаликлари ва аҳоли хонадонларига ветеринария хизмати кўрсатиш қўламини кенгайтириш муҳимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Хусусан, гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари, мева, ўсимлик ёғи каби 22 турдаги озиқ-овқат жорий йил 1 майгача божхона божларидан озод қилинган эди. Энди бу муддат 2023 йил 1 январга қадар узайтирилди. Шунингдек, озиқ-овқатни импорт қилишда божларни оширилган ставкада қўллаш тўхтатиб турилади. Давлат харидларида озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш бўйича чекловлар вақтинча бекор қилинади.

Монополияга қарши курашиш қўмитасига бозорда рақобатни таъминлаш ва нархлар асоссиз ошишига йўл қўймаслик бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда вилоят ва туман ҳокимлари, озиқ-овқат тармоқлари раҳбарлари ахборот берди.

ЎЗА.

## БЕҒУБОР БОЛАЛИК

1 июнь – Халқаро  
болаларни ҳимоя  
қилиш куни

Ушбу байрам илк бор 1925 йилда Женевда бўлиб ўтган ҳамда болалар фаровонлигини таъминлаш масалаларига бағишланган умумжаҳон конференциясида эълон қилинган ва 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида нишонланадиган бўлди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари республикамизнинг барча ҳудудларида ушбу байрам муносабати билан ранг-баранг тадбирларни ўтказмоқда. Болажонларга совға-саломлар улашилмоқда.



## ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон жорий йил 2-3 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Икки биродар мамлакат етакчиларининг музокаралари кун тартибидан Ўзбекистон – Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор соҳаларида амалий саъй-ҳаракатларни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, энергетика ва бошқа тармоқларда қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш ҳамда аънавий яқин ҳудудларо алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

ЎЗА.

## КИТОБ ТУМАНИ ТИББИЁТИ



Ҳисор тизма тоғларининг шарқий-жанубий қисмидаги "Катлос" қишлоғига етиб келганимизда кун анча ёришган, қуёш нурлари уйлар томи, баланд тепаликдаги янги иморатнинг деворларига урилиб, жилва қиларди.

"Ҳамқишлоғимиз қурган бу тиббиёт пункти "Тўябоши", "Хўнарманд", "Туюқ", "Сумак" каби ўнлаб қишлоқларнинг 6,5 мингдан ошқ аҳолисига хизмат қилади, энди жиҳозлаб, беморларни даволашмиз", — дейди шифокор Эргаш Нажмидинов.

— Ният қилганим, — дейди кўн-ғироқлашганимизда Тошкентда яшаётган қурувчи-тадбиркор Шерали Ражабов. — Қишлоқдошларим ҳамиша соғ бўлишсин!

"Бектемир" қишлоғида одамлар маблағ йиғиб яхши бино қуришган, аммо уни ниҳоясига етказиш, шифо масканига айлантириш масаласи кўп йиллардан буён кейинга ташлаб келинмоқда. Буни ҳал қилиш, саховатли тадбиркорлар маблағини тиббиётга, ҳимматли ишларга йўналтириш ҳаммиша тилимизда, дилимизда бўлмоғи лозим...

Давоми 6-бетда. ▶

## ЯНГИ ИНСТИТУТ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Андижон давлат чет тиллари институтини ташкил этиш тўғрисида" 2022 йил 31 май куни қарори имзоланди.

Қарорда чет тилларини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибани таълим тизимига жорий қилиш, чет тилларини мукамал эгаллаган олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ҳамда хорижий тиллар бўйича филологлар, педагоглар, таржимонлар ва гид ҳамроҳларини тайёрлаш тизимини янада кенгайтириш белгиланган.



## ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

2САҲИФА

## SIYOSAT

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА

## ФРАКЦИЯ МУНОСАБАТИ

2021

2022

**Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йилдаги ҳамда 2022 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси икки масала бўйича ҳам ўз муносабати билдирди.**

2021 йил мамлакатимизда пандемия шароитида иқтисодий тиклаш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, камабағалликни қисқартириш, ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг самарадорлигини ошириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан умумий харажатларнинг 49 фоизи миқдориди маблағ сарфланган.

Натижада аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш, ишсиз фуқароларни касбга ўргатиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича кенг чора-тадбирлар амалга оширилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига мувофиқ келади.

Фракциямиз аъзолари муҳокамалар жараёнида ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағларнинг самарали, мақсадли сарфланиши масаласига алоҳида эътиборини қаратди. Бюджет ижроси билан боғлиқ назорат тадбирлари довомида камомад ва молиявий хатоликлар йилдан-йилга кўпайиши кузатиломқда. Бу эса Давлат бюджетини ижроси бўйича амалдаги молиявий назорат тизими самарасиз



ишлаётганини кўрсатмоқда. Фракциямиз бу масалада аввал ҳам Давлат молиявий назорати тўғрисида қонун қабул қилиш таклифини берган эди. Бюджет ижроси таҳлили ушбу масала ҳамон долзарб эканини кўрсатмоқда. Шунингдек, бюджет ва солиқ кодексларида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга оид нормаларнинг амал қилинишига оид қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чораларни кўриш тавсия этилади.

Ҳисоботда "Обод кишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш мақсадида маҳаллий бюджетларнинг маблағларидан ташқари республика бюджетидан ҳам мақсадли бюджет сусдаси сифатида қарийб бир трлн. га яқин маблағ ажратилганлиги кўрсатилган.

ЎзХДП фракцияси жойларда мазкур дастурлар асосида қурилиб, ишга туширилган объектлар таъмирталган аҳоли қелиб қолган ҳолатлар кўплаб учраётгани сабабли уларни сақлаб туриш учун бюджетдан етарли маблағлар ажратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

**БИРИНЧИ ЧОРАК БЎЙИЧА**

ЎзХДП фракцияси Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил биринчи чорақ ижроси якунлари тўғрисидаги ҳукумат ҳисоботини ҳам таҳлилий муҳокама қилди.

ЎзХДП фракцияси шунини алоҳида қайд этадики, Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда Давлат бюджетини самарали ижро этилиши катта ижтимоий аҳамиятга эга. Айниқса, ҳар томонлама қўлланмаган ҳолатлар ва синовлар билан бошланган жорий йилда бюджетнинг ижтимоий йўналтирилганлик даражаси ошгани, хусусан, ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетини умумий харажатларнинг 55 фоизи сарфланаётгани эътиборга олиқидир.

Аҳолининг реал даромадларини ошириш, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд фуқароларга бевосита молиявий ва бошқа шаклда ёрдам кўрсатиш бўйича белгиланган вазифалар муваффақиятли бажарилмоқда. Халқ демократик партияси бундай ёндашувни тўғри, деб билади ва қўллаб-қувватлайди.

Фракция аъзолари бюджет ижроси муҳокамаси жараёнида сайловчилар томонидан билдирилган, мурожаатларни ҳал этиш ва турли ўрганиш тадбирларида кузатирилган айрим масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Амалиётда вазирлик ва идоралар тендер савдоларини белгиланган муддатлардан кечиктириб ўтказиши Давлат бюджетини асосида амалга оширилаётган дастурлар ижросига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг олдини олиш учун давлат дастурлари асосида ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва моддий-техник воситалар харидлари учун ажратилган маблағлар ўз вақтида молиялаштирилишига эришиш, бу борада назоратни кучайтириш лозим, деб ҳисоблайди.

Давлат бюджетини ижтимоий йўналтирилгани учун ҳам лойиҳалар кечиктирилмасдан, кейинга қолдирилмасдан бажарилиши муҳим. Шу мақсадда бюджет ижроси бўйича нафақат республика даражасида, шу билан бирга, ҳудудлар миқёсида ўрганиш ва назорат тизимини кучайтириш чоралари кўрилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқ демократик партияси фракцияси ҳар иккала ҳисоботни қўллаб-қувватлади.

## ПЛЕНУМЛАР

## ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

Ўтган йили ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси ўз фаолиятини партиянинг Сайловолди дастури ҳамда 2021 йилга мўлжалланган режа, манзилли чора-тадбир ва йўл хариталарига мувофиқ олиб борди. Шу даврда Жамоатчилик қабулхонасига 1027 фуқародан мурожаат келиб тушган ва Жўқорғи Кенгесдаги партия фракцияси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари билан биргаликда 876 таси ижобий ҳал қилинишига эришилган.

Электрат манфаатлари ҳимоясига қаратилган "Ёшларга кўмак", "Аёлларга кўмак", "Аёллар бандлиги – аҳоли фаровонлиги", "Меҳр улашайлик", "Депутат ва ёшлар", "Депутат маҳаллада", "Маҳаллада камбағал оилалар сонини камайтириш" ва бошқа шу каби амалий лойиҳалар амалга оширилган.

Хусусан, «Депутат маҳаллада» лойиҳаси доирасида депутатлар ҳамда партия ходимлари кичик ишчи гуруҳлар билан биргаликда 200 дан ортиқ маҳаллада уйма-уй юриб, мингдан ортиқ хонадонга кириб борди. «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган аҳоли доирасида виллоят, шаҳар, туман партия кенгаши масъулларини ўрганиб ҳал этиш чораларини кўрди.

Пленумда кенгаш фаолиятини кучайтириш бўйича вазифалар белгиланди.

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**

Пленумда виллоят ва шаҳар, туманлар партия кенгашлари марказдан узоқда жойлашган ҳудудларга ҳам жиддий эътибор қаратиб келаётгани таъкидланди. "Эътиборимиз марказидаги ҳудуд", "Хотин-қизлар масаласидаги эътиборида" лойиҳалари доирасида виллоятнинг энг чекка тумани Улуғнордан бошлаб тиббий кўрик, моддий ёрдам, боғча ва мактаблардаги шароитларни ўрганиш, тадбиркорликни ривожлантириш каби тадбирларни ўз ичига олган кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Андижон виллоят кенгаши ва шаҳар, туманлар кенгашларида эҳтиёжманд аҳоли рўйхатлари тузилган бўлиб, уларга иқтисодий ва маънавий



кўмак бериш йўлга қўйилган. Асосий эътибор "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқароларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, ижтимоий ҳимоя чораларини амалга оширишга қаратилган. "Депутат маҳаллада" лойиҳаси доирасида шаҳар ва туманлар депутатларига бир нафардан ишсиз ёшлар бириктирилди. Ҳозирги кунгача уларнинг 62 нафари ишга жойлаштирилди, 21 нафарига кредит олишда ёрдам кўрсатилди ва кўрсатилмоқда, 12 нафари хунар мактабларида ўқимоқда, 6 нафари хунар ўрганиш учун шогирдликка берилди.

Пленумда танқидий таҳлил ҳам жиддий эътибор қаратилди.

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**

Бугунги кунда виллоятда 544 та бошланғич партия ташкилотиди 29806 нафар партия аъзоси бирлашган. Шулардан 16524 нафарини хотин-қизлар, 14580 нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. "Сиз доимо эътиборимиздасиз!" ва "Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш бурчимиз!" концепцияси асосида "Саховат ва кўмак" лойиҳаси доирасида виллоят, шаҳар, туман партия кенгаши масъуллари ва депутатлар иштирокида юздан зиёд тадбир ташкил этилиб, 1000 нафардан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, боқувчиси йўқ, ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан хабар олинган. Ўтган йил давомида 783 нафар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган ва ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ҳолидан хабар олинди, 579 та муаммо ўрганилди. 69 нафар ногиронлиги бўлган шахсга ногирон-

тириш, маҳаллалар даражасида камбағалликни қисқартириш, аҳоли эҳтиёжманд қатламнинг иқтисодий фаоллигини ошириш йўналишларида депутатлик нозоратини ҳар чорақда ва йил давомида олиб бориш бўйича вазифалар белгиланди.

Йиғилишда электрат манфаатларини ҳимоя қилиш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган аҳолимиз муаммоларини бартараф этиш, бандлигини таъминлаш ва маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда ҳоким ёрдамчилари, маҳалла ёшлари етакчилари, аёллар фаоллари лавозимида ишлаётган ходимлар билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари лозимлигига аҳамият қаратилди.

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**

Пленум ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Жойларда айрим депутатлик гуруҳлари ижтимоий масалаларни ўрганиш, мутасадди ташкилотлар олдида масала қўйиш, сессиялар муҳокамасига тайёрлаб, амалий натижага эришиш борасида сусткашликка йўл қўяётгани айтиб ўтилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳининг вазифа ва муддатлари аниқ бўлган дастурларини ишлаб чиқиш кўзда тутилди. Шунингдек, "Қонунчилик ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими" ва "Менинг фикрим" порталларида жамоатчилик муҳокамасига қўйилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантиришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳамда туман ва шаҳар партия ташкилотларининг фаоллигини оширишга жиддий эътибор қаратиш таъкидланди.

Партия гуруҳларида 66 масала, доимий комиссияларда 61 ҳамда сессияларда 38 та масала муҳокама қилинган. Лекин Қарши туман партия кенгаши ва партия гуруҳи, Шахрисабз шаҳар партия кенгаши ва партия гуруҳи бирор масалани сессияга киритмаган. 2021 йилда жами 284 та депутатлик сўровномалари юборилган. Улардан ижобий ҳал этилганлари 213 тани ташкил этади. 45 та мансабдор раҳбарларнинг ҳисоботлари ешитилган. Пленумда бу борадаги ишларни фаоллаштириш таъкидланди.

**НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ**

Ўтган йилнинг декабрь ойи давомида "Меҳр-мурувват ойлиги", март-май ойлари давомида ногиронлиги бор шахсларнинг ижтимоий ҳаётга интеграция қилиниши, улар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканликларини ҳис қилишлари эришиш мақсадида "Меҳр улашайлик" акцияси ўтказилди.

"Аёлларга кўмак" лойиҳаси доирасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида 413 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди. 590 нафари қайта касб-хунарга ўқитилишига, 483 нафарини шогирдликка бириктирилишига амалий ёрдам кўрсатилди. 35 нафар оғир турмуш шароитидаги хотин-қизларнинг уй-жойлари депутатлар кўмагида таъмирлаб берилди, 155 нафарига моддий ёрдам берилди.

Пленумда бу каби амалий лойиҳаларни янада кенгайтириш, шунингдек, уларда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокини кучайтириш борасида таклифлар билдирилди, муҳим вазифалар белгиланди.

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ**

Ҳисобот даврида виллоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларидаги қирадиган масалалар юзасидан асосланган тушуништириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан 73 маротаба депутат сўрови юборилди, уларнинг барчасига ижобий жавоб олинди.

Виллоят кенгаши пленумида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида долзарб ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифа ва устувор мақсадларни қўйгани алоҳида таъкидланди. Бу партиямиз учун муҳим. Чунки стратегия ижросининг таъминланиши ижтимоий ҳимояни кучайтиради, аҳолининг, айниқса, ҳимояга муҳтож қатламларнинг турмуш даражасини яхшилайти, мутасар қилиб айтганда, халқимизнинг турмуш тарзини юксалтиришга хизмат қилади.

Гулрух ОДАШБОВА.

Asosiy

Takliflar

Yangiliklar

F.A.Q.

O'zbekiston Respublikasi haqida

O'zbekiston davlat ramzlari

Inson huquqlari deklaratsiyasi

Taklif yuborish

**Shavkat Mirziyoyev**  
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti

Batafsil

Takliflar soni **492**

Foydalanuvchilar soni **1537**

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

Barcha bo'limlar: 492

Madaniyat, sport va turizm: 83

Fan, ta'lim va sog'liqni saqlash: 52

Ijtimoiy ta'minot va ijtimoiy sug'urta: 14

Yer masalalari: 17

Axborot va axborotlashtirish: 10

Oila instituti: 13

Tadbirkorlik va xo'jalik faoliyati: 17

**E'lonlar**

Oliy Majlis palatalari Kengashlarining qo'shma majlisi bo'lib o'tadi

O'zLiDeP fraksiyasining muhim masalaga bag'ishlangan yig'ilishi...

Fraksiyalarining qo'shma yig'ilishi bo'lib o'tadi

# ДАСТЛАБКИ ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни ўрганиш ҳеч қачон ҳозиргидек кенг қамровда ташкил этилмаган. Фуқаролар ёши, касби, хунари, қизиқишлари, ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, ўзлари истаган воститалар орқали таклиф, фикр йўллаш имкониятига эга бўлди. Конституциявий комиссия барча таклифлар кўриб чиқилишини маълум қилди.

Ўтган ҳафтада "Менинг Конституциям" онлайн платформаси ишга туширилди. Мазкур порталда Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича фуқаролар ўз таклифларини билдириш имконига эга. Шу билан бирга, Конституциявий комиссия фаолиятига оид ўзгаришлар, янгиликлар ва таклифлар эълон қилиб борилмоқда.

Ҳамюртларимизга қулайлик яратиш мақсадида онлайн платформа билан бирга маҳаллалар, халқ депутатлари Кенгашлари, 1341 саясий-мар-

кази, почта ва электрон почтадан ҳам таклифлар қабул қилинади. Ундан ҳам қулайи шундаки, телеграм ижтимоий тармоғида махсус @meningkonstitutsiyam\_bot ташкил этилди.

Конституция бу жамият, давлат шаклланишида, унинг бошқарувида ҳамда тақдирда энг муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унинг ўзгариши бутун халқ манфаатига дахлдор масала ҳисобланади. Демак, жараёнда фаол бўлиш, таклиф ва фикрлар билдириш фуқаролик бурчи саналади.

Халқ демократик партияси конституциявий ислохотлар ўтказиш ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади, шу билан бирга, ўз сиёсий мақсадлари, дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, таклифларини беришини маълум қилди. Шу кунларда қўйи тизимдан, партиянинг фаоллари, депутатлик бирлашмаларидан таклиф ва мулоҳазаларни олиш жараёни бошланди. Илк таклифлар келиб тушмоқда.



**Аброр ҚУРБОНОВ,**  
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

— Асосий Қонунимиз давлатчилик асосларимизни кафолатлаган муқаддас ҳужжатдир. Шу билан бирга, Конституциямиз ривожланган давлатлар қаторига киришимиз учун ислохотлар манбаи бўлиб ҳам хизмат қилиши муҳим, деб ўйлайман.

Ана шу нуқтаи назардан бир-иккита таклифларим бор. Менимча, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти институтлари ва сиёсий партиялар фаолиятини ривожлантириш, бу жараёнда халқ вакиллари мақомини кўтаришга қаратилган масалаларни муҳокама қилиб, конституцион кафолатларни мустаҳкамлаш лозим.

Ўзгаришлар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, аввало, мамлакатда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари кафолатланган бўлиши лозим. Бироқ кўпгина ҳолатларда гувоҳи бўламизки, инсон қадрини топташ, унинг ҳуқуқларини поймол қилиш, давлат хизматчиларининг ишчилари шаънига номақбул сўзлар айтаётгани ёки бўлмаса, инсон шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлигини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жимсий ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш ҳолатлари мавжуд. Тўғри, бу масалаларга кодексларда жазолар белгиланган, Асосий қонунимизда инсон шаъни ва кадр-қимматини кафолатловчи нормалар қисман белгилаб берилган. Бугунги демократик тамойиллар ва "Инсон қадри учун" тамойилдан келиб чиқиб, 13-моддани қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш мумкин, деб ўйлайман.

Инсон кадр-қимматини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш ҳар қандай давлат ҳокимиятининг қатъий бурчи ҳисобланади, бунини Конституцияда кафолатлаш зарур.

Яна бир муҳим масала, қонун олдида барчанинг тенглиги тамойили. Бу тамойил Бош қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, амалда айрим ҳолларда Асосий қонунда белгиланган тамойилларга зид равишда бунини чекловчи нормалар ҳам кузатиляпти. Бугунги кунда баъзи давлат органлари ўз ходимларининг шахсий дахлсизлиги ва ҳуқуқий устуворлигини таъминлаб олишга қаратилган норматив ҳужжатларни қабул қилишга интилоқда. Хоҳ давлат хизматчиси, хоҳ вазир, ёинки, оддий хизматчи, уларнинг барчаси мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси ҳисобланади. Шундай мустаҳкам норма бўлиши керакки, ҳеч қайси давлат органи конституциявий кафолатларга зид нормалар билан қарорлар қабул қилмасин. Шунинг учун 18-моддада фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилик тамойилини мустаҳкамлаш керак. Турли қатламларга бериладиган имтиёзлар қайсидир норматив ҳужжат билан эмас, фақат қонун билан белгиланиши ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши лозим.

**"Ўзбекистон овози" муҳбири**  
**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА**  
ёзиб олди.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БОШ ҚОМУСИМИЗДАН БОШЛАНИШИ КЕРАК



**Дилбар МАМАЗОНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳар бир соҳада натижага, ўсишга эришиш учун аввал, уни коррупциядан холи қилиш лозим. Ўйлашимча, коррупциянинг олдини олиш, унга қарши кураши чоралари Бош қомусимиздан бошланиши керак.

Бунинг учун давлат идораларида ишловчи ходимлар коррупция жиноятини содир этса, таниш-билишчилик ва шунга ўхшаш ҳолатларда, шунингдек, халқ ва давлат мулкига зарар етказган ҳамда ўз мақсадлари учун фойдаланган тақдирда, уларга жазоларни кескин кучайтириш керак. Аксинча, коррупция ҳақида хабар берганларни мукофотлаш зарурлиги ҳақида қўшимчалар киритиш лозим. Бундан ташқари, порани берувчи ҳам уни олган шахсдан кам жазога муносиб эмаслиги белгиланиши коррупцион ҳолатларнинг камайишига хизмат қилади, деб ўйлайман. Мисол учун, коррупция жиноятини содир этган шахсларни келажакда пенсия таъминотидан маҳрум этиш керак. Шу каби кескин чоралар қўлланилиши пора олувчини ҳам, берувчини ҳам сергакликка чоралашига ишонаман.

Оила ҳақида кўп гапираман. Жойларга чиққанда, аҳоли билан учрашганда ҳам бу кичик кўргон ҳақидаги масалаларга кўп дуч келамиз. Умуман, оила ва унинг тинчлиги ҳар бир замонда долзарб бўлиб келган. Шунга қарамастан, оилавий ажримлар сони камайиш ўрнига, кун сайин ортиб бормоқда. Ўйлайманки, ана шундай ажримларнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила мавқеини мустаҳкамлаш керак. Таклифим — ажримларда эр ёки хотиннинг эмас, аввало, боланинг манфаатларини ҳисобга олиш зарур.



**Мавжуда ҲАСАНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Конституцияга киритилган ўзгариш инсон, халқ манфаатига хизмат қилиши кераклигини ҳаммаиз тушуниб турибмиз. Бунинг муҳим шартларидан бири эса ижро органи раҳбарлари бир вақтнинг ўзида вакиллик органи раҳбари бўла олмаслигини мустаҳкамлаб

## МАҲАЛЛА ҲАҚИДА БОБ

— Янги Ўзбекистонни фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти юқори жамият сифатида тасаввур қиламан, тўғриси. Келгуси 5 йиллик учун белгиланган устуворликларни ўз ичига олган Тарақиёт стратегиясида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Албатта, бу муҳим бўлиб, кўплаб масалаларни самарали ҳал этиш вазифасини бажаради.

Таклиф. Конституциямизга маҳалла институти тўғрисида алоҳида боб киритиш керак, деб ўйлайман. Бу орқали ма-

ҳалланинг ҳаётимиздаги, жамиятдаги нуфузи янада ошади. Яна бир таклифим. Маҳаллий Кенгаш депутатларининг ваколатларини Конституцияда кенгроқ белгилаб бериш керак. Агар маҳаллий Кенгаш депутатининг мақомини оширмасак, унинг обрўйини ривожланган дунё амалиётидан келиб чиқиб, жойига қўймасак, қўйи тизимда оқсашлар кузатилаверади, менимча. Халқ депутатлари халқ вакиллари эканини маҳаллий ижро органлари ҳам сезиб туриши, тан олиши муҳим.

## ВАКОЛАТЛАР МАСАЛАСИ

**Шерали МАМАДЕЦОВЕВ,**  
Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси:

— Конституцияга киритилган ўзгариш инсон, халқ манфаатига хизмат қилиши кераклигини ҳаммаиз тушуниб турибмиз. Бунинг муҳим шартларидан бири эса ижро органи раҳбарлари бир вақтнинг ўзида вакиллик органи раҳбари бўла олмаслигини мустаҳкамлаб

қўйишдан иборат. Қачонки, ижро ҳокимияти вакиллик органидан алоҳида бўлса, шунда камчиликларни илдири билан бартараф этиш, ишга танқидий назар билан қараш ва шу орқали ривожланиш, аҳолини рози қилишда кўпроқ натижаларга эришилади, деб ўйлайман.



## « ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТМОИЙ ДАВЛАТ »



**Олим РАВШАНОВ,**  
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:

— Халқ демократик партиясининг асосий мақсади — мамлакатимизда ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонларига мос келадиган давлат ҳамда жамият барпо этишидир. Бундай давлатни шакллантириш барча соҳаларда ижтимоий адолат ва ижтимоий тенгликни қарор топтиришни аниқлади. Бу, ўз навбатида, нафақат ҳуқуқий тенглик, балки ижтимоий мавқеи, мулкий ҳолати ва даромадидан қатъи назар, устувор ҳуқуқларни амалга

оширишда барча учун тенг имкониятлар яратишни тақозо этади. Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар асосий йўналишлари ҳам мана шу эзгу мақсадга қаратилаётгани алоҳида эътиборга молик жиҳат. Конституциянинг 1-бобида давлат суверенитети мустаҳкамланган. Мазкур бобдаги 1-моддага "Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат" тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

— Халқ демократик партиясининг асосий мақсади — мамлакатимизда ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонларига мос келадиган давлат ҳамда жамият барпо этишидир. Бундай давлатни шакллантириш барча соҳаларда ижтимоий адолат ва ижтимоий тенгликни қарор топтиришни аниқлади. Бу, ўз навбатида, нафақат ҳуқуқий тенглик, балки ижтимоий мавқеи, мулкий ҳолати ва даромадидан қатъи назар, устувор ҳуқуқларни амалга

## ФАҲРИЙЛАР ВА ФИДОЙИЛАР

# ДАРЁДЕК ШИДДАТЛИ, МЕҲРЛИ ИНСОН

Дарёлар оқаверади. Суви кўп ёки кам, жимгина ёки шарқираб оқиши мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси мавжудотлар, инсонлар, далаю адирлар, боғу рогларни баҳраманд қилади. Мен Ўзбекистон ХДП Бувайда туман кенгаши раиси, партияимиз фаоли ва фаҳрийси, оlima Ҳабибихон опа Тошматованинг фаолиятини дарёга қиёслагим келади. Бу инсон орқага қайтмасдан, тўлиб-тошиб, фақат олдинга қараб оқади, инсонларга наф келтириб чарчамайди.

Ҳабибихон Рўзиевна 2006 йилдан буён Ўзбекистон ХДП Бувайда туман кенгаши раиси, партия фаоли сифатида касбдошлари, партиядошлари ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқда.

Унинг эл орасида фаоллиги, фидойилиги мақтовга сазовордир. Нафақат Бувайда туманида,

балки Фарғона вилоятида, партияимизнинг республика ва ҳудудий ташкилотларида опани кўпчилик вилояти, жонқуярлиги учун қадрлашади.

Бундан бир неча йил олдин партияимиз фаолларининг Фарғона вилоят кенгаши фаолияти билан танишиш бўйича ўтказилган республика анжуманида уларнинг маҳаллаларда хотин-қизлар, ёшлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш борасидаги ташаббуслари барча семинар иштирокчилари учун "мастер-класс" бўлганди. Кўпгина вилоят ва туман кенгашлари фаоллари бу тажрибани ўз амалиётида қўллаш учун қабул қилганини эслаймиз.

Ҳабибихон опа жуда маданиятли ва ширинсўз инсон, меҳрибон она, бувижон ва устоз ҳамдирлар. Улар фан номзоди сифатида ёшлар билан

ишлаб, илмий педагогик фаолият ҳам олиб борадилар. Партияимиз сафидаги ёш қизларимиз шижоаткорлиқни шу инсондан ўргансалар, ҳеч кам бўлишмайди, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг раҳбарияти, барча аъзолари, аёллари, партияимиз Фаҳрийлар кенгаши номидан Ҳабибихон опа Тошматовани табарруқ 75 ёши билан самимий кутлаймиз. Опага узоқ ва самарали ҳаёт, партияимиз фаоли ва фаҳрийси сифатида доимо олдинги сафларда бўлишларини тилаб қоламиз.

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА,**  
ЎзХДП Фаҳрийлар кенгаши раиси,  
иқтисод фанлари доктори, профессор.

# ДЕПУТАТЛАР ОКРУЖКА

## БОРИБ КЕЛДИ

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ ЎЗ ХУДУДЛАРИДАГИ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ ОЛДИДАН МАЪЛУМ ЙЎНАЛИШЛАРНИ БЕЛГИЛАБ ОЛИШАДИ. ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ 25-28 МАЙ КУНЛАРИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИГА ЧИҚИШЛАРИ ДАВОМИДА ХУДУДИЙ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАЛАРИ ВА ТУМАН (ШАҲАР) ТИББИЁТ БИРЛАШМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ СЕССИЯЛАРИДА ҲИСОБОТЛАРИ ЭШИТИЛИШИ, КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР ОЛИШ, ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛИШИ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР, ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИБ, ТАҲЛИЛ ҚИЛИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШДИ. ШУНИНГДЕК, ТИББИЁТ МУАССАСАСИ, МАКТАБ, МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ, МЕҲРИБОНЛИК ВА САХОВАТ УЙЛАРИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШИБ, САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЯҚИНДАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШДИ.**

Хусусан, **Дилбархон Мамажонованин** аҳоли билан учрашувлари доирасида Фарғона туман ҳокими ҳамда ташкилот, корхона раҳбарлари иштирокида фуқаролар қабули ташкил этилди. Кўтарилган бир қанча муаммолар жойида ҳал этилди. Жумладан, жарроҳлик амалиёти учун пул ажратиш масаласида ёрдам сўраган И.Умаровни вилоят касалхонасида ташкил этилган акция доирасида бепул операция қилдириш учун ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича туман тиббиёт бирлашмасига кўрсатма берилди. Сайловчилардан тушган бошқа мурожаатлар бўйича ҳам тегишли чоралар белгилаб олинди.


Шундан сўнг, қуйи палата депутати "Бўстон" маҳалласида жойлашган кўп тармоқли поликлиникада тиббиёт ходимлари билан амалга оширилаётган ислохотлар, яратилган шарт-шароитлар ҳақида суҳбатлашди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигида депутат сўрови билан чиқиш режалаштирилди.

Аниқланишича, кўп тармоқли поликлиника 1992 йилда болалар поликлиникасига мослаштириб қурилган. 220912 нафар аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. 1 кунлик қабул 1500-2100 нафар беморни ташкил қилади. Хоналар етишмайди. Катталар ва болалар мутахассислари бир хонада ўтиради. Айрим хоналарда 3 тадан мутахассис беморларни қабул қилишга мажбур бўлишмоқда. Патронаж ҳамширалари учун ҳам хоналар етишмайди. Кундузги стационар учун жойлар кам, борлари ҳам талабга жавоб бермайди. Муассасанинг иситиш, ёритиш тизимлари эскирган. Депутат мазкур ҳолат юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига инвестиция дастурлари доирасида янги бино қуриш масаласида депутатлик сўрови юборишни мақсад қилди.

**Қизилгул Қосимова** Бўстонлик туманида бўлиб, янги иш ўринлари яратиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, туман Кенгаши қотибяти фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганди. Шунингдек, "Хондайлик" маҳалласида фуқаролар йиғини раиси сайловида иштирок этди. Аҳоли билан яқиндан мулоқот ўтказиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Ичимлик суви, ички кўчалар, сўғориш тизими бўйича ишларни ниҳоясига етказиш бўйича билдирилган мурожаатлар юзасидан тегишли ташкилотлар масъулиятини ошириш бўйича тавсиялар билдирди.

Шунингдек, депутат "Хондайлик", "Қизилсув" оилавий шифокорлик поликлиникалари, 11-сонли умумтаълим мактабидаги таъмирлаш ишлари, "Бўстонлик-Фарм" эркин иқтисодий зонаси фаолияти билан ҳам танишди. Тиббиёт муассасасида таъмирлаш, мактабда қурилишни яқунлаш масалаларида ҳокимлик ва қурувчи ташкилот вакиллари билан гаплашилди. Тез ёрдамга қўшимча автоулов-реомобиль ажратиш масаласи вазирликка айтилиб, режага киритилганини билди.

**Шарофиддин Назаровнинг** аҳоли билан учрашувлари Кўкдала туманида бўлиб ўтди. Ҳокимлик вакиллари, маҳалла фаоллари, депутатлар ҳамда ташкилот, корхона раҳбарлари иштирокида ташкил этилган учрашувларда кўплаб муаммолар жойида ҳал этилди. Айрим масалалар вилоят Кенгаши депутатлари, туман Оила ва хо-



### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ ЎЗ ХУДУДЛАРИДАГИ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ ОЛДИДАН МАЪЛУМ ЙЎНАЛИШЛАРНИ БЕЛГИЛАБ ОЛИШАДИ.

қизларни қўллаб-қувватлаш бўлими билан биргаликда уйма-уй бориб ўрганиб чиқилмоқда. Сайловчилардан тушган барча мурожаатлар бўйича депутат томонидан тегишли чоралар белгилаб олинди.

**Мавжуда Ҳасанова** ислохотлар самарадорлигини бир неча соҳаларни ўрганиш орқали кўриб чиқди. Хусусан, Узун туманида ижтимоий объектлар фаолияти ўрганилганда, тумандаги мактабга таълим ташкилотларида 2019 йилгача қамров даражаси 9,7 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 55,7 фоизга етгани маълум бўлди. Кейинги йилларда янги МТТлар қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. 3-мактабга таълим ташкилоти 2020 йилда қуриб битказилган. Муассаса 100 ўринга мўлжалланган, 32 нафар ходим фаолият олиб бормоқда. Ногиронлиги ва бошқа имтиёзга эга бўлган оилаларга енгиллик берилган. Болажонлар учун барча шароитлар муҳайё этилган. МТТ раҳбарияти депутат билан бўлган суҳбатда қузатув тизими ва кондиционер ўрнатилишига зарурат борлигини билдирди.

Давлат хизматлари кўрсатиш марказида фуқаролар мурожаатларини ҳал қилиш учун барча шароит яратилган. Утган йилда барча турдаги хизматларга 36000 та мурожаат тушган бўлса, уларнинг барчаси қаноатлантирилган. Мурожаатларнинг асосий қисмини кадастр хизмати ва фарзандларини болалар боғчасига навбатга қўйиш ташкил қилган. Фуқаролар билан бўлган суҳбатда улар марказга қайта-қайта келмаслик учун тартиб-қоидаларга ўзгартиш киритиш, яъни масалаларни бир марта мурожаат этиш орқали ҳал қилиш бўйича таклиф билдиришди.

**Анвархон Темиров** сайлов округида ўрганишлар давомида Косонсой давлат хизматлари маркази фаолиятини ўрганди. Марказида маълум камчилик ва муаммолар мавжудлиги аниқланди, тегишли ташкилотлар билан масала юзасидан ижобий ечим топишга келишилди. Депутат, шунингдек, Косонсой туманидаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактабида Наманган вилоят адлия бўлими томонидан ташкил этилган сайёр қабулда қатнашди. Уй-жой, субсидия, моддий ёрдам, кредит олиш, касбга ўқитиш каби 20 дан орტიқ мурожаатлар тингланди. Айримлари жойида ҳал этилиб, қолганларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

**Ўрол Ўразбоев** Шароф Рашидов туманидаги "Сарайлик", "Яхтанлик", "Эски Тошкентлик", "Тараққиёт", "Зиёкор", "Совунгарлик", "Жиззахлик" ва "Хавастлик" маҳалла хуудларидаги умумтаълим мактаблари, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли оилавий поликлиникалар фаолиятини ўрганди.

Учрашувда 135 нафардан зиёд фуқаро билан суҳбат ўтказилиб, турли мазмундаги 85 та мурожаат қабул қилинди. Уларда ички йўллари таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар соғлигини тиклаш, даволанишга ёрдам бериш, уй-жойларни кадастр қилиш, аукцион орқали олган ерларни ажратиш бериш каби масалалар кўтарилди. Уларнинг ечими бўйича туман ҳокими ўринбосарлари, ташкилот ва корхона раҳбарлари билан келишилди, ижроси назоратга олинди.

Умумтаълим мактаб фаолиятлари ўрганилганда, "Яхтанлик" маҳалласидаги 6-умумтаълим мактаби биноси мукамал таъмирлашни тақозо этиши аниқланди. "Сарайлик" маҳалласидаги 28-умумтаълим мактаби биноси 1970 йилда қурилган бўлиб, охириги марта 2012 йилда Давлат дастури асосида таъмирланган, мактаб қуввати 552 ўринли, бугунги кунда 1036 нафар ўқувчи

таҳсил олмақда. Мактабга қўшимча бино зарур. "Тараққиёт" маҳалласидаги 49-умумтаълим мактабида спорт зал, спорт майдончасига эҳтиёж бор.

**Дилором Имомова** Шаҳрисабз туманининг иқтисодиёт, инвестиция, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларга оид инфраструктураларини ўрганиб, улардаги камчиликларни тегишли соҳа вакиллари иштирокида муҳокама этди.

Шунингдек, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, бу борада махсус бир тизимни йўлга қўйиш мақсадида Дилором Имомова туман Кенгаши депутатлари билан учрашувда ҳар бир маҳаллий Кенгаши депутати ўз сайлов округига қарашли маҳалларда сайёр қабулхонасини ташкил этишини тавсия қилди. Шаҳрисабз шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиясининг йиғилишида иштирок этди.

**Муқаддас Ўразалиева** Янгибод тумани "Совот" маҳалласида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Хусусан, халқ вакили "Янгибод Бахт-Агро кластер" МЧЖда бўлиб, корхона томонидан амалга оширилаётган ишлар ва муаммоларни ўрганди. Корхона томонидан лалмикор "Совот" даштида барпо этилган узумзорлар, сабзавот экин майдонлари томчилатиб суғорилмоқда. Жамият раҳбарияти билан бўлган суҳбатда электр таъминоти билан боғлиқ муаммо борлиги маълум бўлди ва масалани ҳал этишда ёрдам кўрсатиш учун мутасадди ташкилотларга мурожаат қилинди.

Депутат тавсиясига асосан "Сармич" маҳалласида яшовчи Шаҳноза Примқуловага беш дона тикув машинаси кредит асосида берилди. Унинг ёрдами билан "Совот" қишлоғидаги 15 нафар фуқаро "Бахт агро кластер" МЧЖга ишга жойлаштирилди.

**Елена Бабенко** Андижон шаҳрида жойлашган 8-оилавий поликлиника фаолияти билан танишди. Поликлиникада 20 нафар беморга мўлжалланган кундузги стационар ташкил этилган. Шунингдек, поликлиника томонидан эҳтиёжманд беморларга 81 турдаги дорилар бепул берилляпти. Депутат поликлиника раҳбарияти, муассасага мурожаат қилган фуқаролар билан яқиндан суҳбатлашиб, аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш борасида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Депутат Андижон шаҳридаги сайловчилар билан учрашувини 48-сонли умумтаълим ўрта мактабида ўтказди. Депутат билим даргоҳи фаолияти билан танишиб, муаммо ва камчиликларни ўрганди. Мактаб 1985 йилда қурилган бўлиб, 2008 йилда мукамал таъмирланган. Ҳозирги кунда муассасада 3260 нафар ўқувчи таълим олмақда. Мактабни кенгайтириш орқали болалар учун муносиб шароит яратиш, эскирган жиҳозларни янгилаш, спорт анжомлари билан таъминлаш масалалари мактаб маъмурияти билан муҳокама қилинди.

**Шербек Бўронов** сайловчилар билан учрашувлари давомида Пахтачи тумани ҳокими ҳамроҳлигида олиб борилаётган ишларни ўрганди. Хусусан, "Буркут" даштида барпо этилган узумзор, кунгабоқар плантациялари, "Қўшқовуз" ва "Гўрғули" маҳаллаларида "Обод қишлоқ" дастури асосида олиб борилаётган ишлар, тиббиёт пункти ва тадбиркор аёллар фаолияти ўрганилди.

Сайловчилар билан учрашувларда 93 нафар фуқаро мурожаати қабул қилиниб, ижросини таъминлаш мақсадида ташкилотларга кўрсатма ва тавсиялар берилди. Хусусан, "Жаҳонобод" маҳалласидан Мукаррам Бобомуродова кўчасини таъмирлаш, "Хунарманда" маҳалласидан Хосият Юлдашевани ногиронлиги бўлганлиги сабабли уй-жойга муҳтожлар дафтарида рўйхатга олиш, "Найман" маҳалласидан Илхом Хушбақов кўчасига трансформатор қўйиш масаласида мурожаат қилишди. Уларнинг ижроси назоратга олинди.

Шунингдек, депутат ташаббуси билан 2022 йил Давлат дастурига киритилган 33-мактабда олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишилди. Халқ вакили сайловчилар таклифи билан тумандаги 54-мактабга ҳам борди ва шарт-шароитлар билан танишди. Ходимлар мактабга қўшимча бино қуриш ва мавжуд биноларни қайта реконструкция қилиш масаласида амалий ёрдам сўрашди...

**Сайловчилар билан мулоқотлар парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан ахборот бериш, қабул қилинган қонунларнинг қандай ишлаётгани, соҳаларда, ҳўжалик юртиш амалиётида бугунги кунда қандай янги қонун ва ҳуқуқий меъёрларга эҳтиёж сезилаётгани, одамларни қандай масалалар ўйлантираётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш, депутатларнинг электорат олдига ҳисобдорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.**

**Гулрух ОДАШБОВА,**  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekistonovozi

bovozi.uz

**30 май кун**и "Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, дон маҳсулотлари корхоналарида трансформация жараёнларининг натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари" мавзусидаги матбуот анжуманига Қишлоқ хўжалиги, Молия вазирликлари, "Ўздонмаҳсулот" АҚ, Пенсия жамғармаси ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси каби бир қатор ташкилотлардан кўп масъуллар келди. Уларнинг битта анжуманга, бир пайтда тўпланиши учун жиддий сабаблар бўлиши керак эди. Шундай сабаб бор эди. Мамлакатдаги озиқ-овқат билан боғлиқ масалаларни ичидан билладиган мутасаддилар вазиятни ёнғоқ чаққандай тушунтиришга ҳаракат қилишди.

# БУҒДОЙ НОН ИШИГ

## АСЛ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Сўнги йилларда иқтисодиётнинг барча тармоқларида бўлгани каби қишлоқ хўжалиги соҳасини эркинлаштириш, фермер ва деҳқон хўжалиklarини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилди.

2019 йил охирида бошланган короновирус пандемиясининг кенг ёйилиши бутун дунёда аҳолига асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда муаммоларни вужудга келтирди. Чекловлар шароитида аҳолининг асосий истеъмол маҳсулоти бўлган арзон ва сифатли ун ва нон билан кафолатли таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан унни ишлаб чиқарувчилар ҳамда аҳолига тўғридан-тўғри етказиб бериш механизми жорий қилинди.

Ушбу тартиб бугунги кунгача амалда бўлди ва бу вақтинчалик чора ўз вазифасини бажариб бўлди.

Қуйидаги ҳолатлар мазкур тартибни сақлаб қолишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатмоқда.

### БУҒДОЙ ЕТИШТИРИШ ЗАРАРЛИ ЭДИ!

Ички бозорни арзон ун ва нон билан таъминлаш мақсадида буғдой харид нархларини давлат томонидан белгилаш бозор тамойилларига мос эмас, бу буғдой етиштирувчи хўжаликларнинг буғдой етиштиришдан зарар кўришларига олиб келмоқда.

Давлат ресурсларига олинган буғдойдан ишлаб чиқарилган ун ички бозорни тўлиқ таъминлаб бермаслиги сабабли импорт ун ва маҳаллий ун нархлари ўртасидаги катта фарқ маҳаллий унни етказиб бериш занжирида коррупцион муҳит шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Мазкур тартиб жорий қилиниши фондида кўплаб қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар энгил даромад топиш йўлига ўтди, давлат ресурсларидаги унни арзон нархларда аҳолига тўлиқ етказмасдан, бир қисмини бозорда қиммат нархда сотишмоқда. Арзон қолипчи нон(буханка) ишлаб чиқаришга мўлжалланган ун ҳам нон ишлаб чиқаришга етиб бормасдан, бозорда сотиб юборилмоқда.

Тошкент шаҳрида қолипчи нон арзон нархда ушлаб турилиши туфайли, пойтахтда нон молнинг емидан ҳам арзон бўлиб қолди. Буханкани қўй ва мол учун сотиб олиш ҳолати кўпайиб кетди, чунки буханка нархи ем учун сотиб олинадиган буғдойдан ҳам арзон бўлиб қолди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат ресурсларига олинган буғдойни қайта ишлашдан олинган ун маҳсулоти арзон нархларда аҳолига тўлиқ етиб бормаяпти.

Бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида жорий йилдан ғаллани харид қилиш жараёнига тўлиқ бозор механизмларини жорий қилиш назарда тутилмоқда. Энди барча истеъмолчилар учун тенг шарт-шароит яратиш орқали ғалла бозорни эркинлаштирилади.

2022 йилги йиғиладиган ҳосилдан бош-лаб ғаллани етиштириш ва харид қилиш

жараёнига бозор механизмларини жорий қилиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

### БУ ЯХШИМИ? ЁМОНМИ?

Юқорида кўрсатилган салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш ҳамда республикада дон етиштириш ҳажмларини сезиларли даражада ошириш мақсадида ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ушбу Қарорларни қабул қилишнинг асосий мақсади биринчи навбатда, ғалла етиштирувчиларнинг, шу жумладан, фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, шу асосда ғалла ҳосилдорлиги ва ялли ҳосил етиштириш ҳажмларини кескин кўтаришга замин яратишдир. Бу ўз навбатида ички бозорни буғдой ва ун маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга ёрдам беради. Соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини оширади.

Республикамиздаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг 44 фоиз қисми қишлоқ хўжалигида фаолият олиб боришини инobatга оладиган бўлсак, фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлиги ошиши мазкур тармоқда фаолият юритаётган аҳолининг моддий манфаатдорлигига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Ҳар биримиз ўзимизга савол бериб кўришимиз лозим, нима учун шунча ўтган вақт давомида фермерлар ерга инвестиция киритмаган, нима учун улар доим ё банкдан, ё давлатдан қарз бўлган, нима учун ернинг унумдорлигини оширишга, шўрланишини камайтиришга ҳаракат қилмаган? Бунинг асосий сабаби – уларда моддий манфаатдорлик йўқ эди. Фермернинг пули бўлмаса, ойликни қаердан беради?

**Бугдой нархининг эркинлаштирилиши ички бозордаги нархлар даражасига қандай таъсир кўрсатади?**

Оддий статистик маълумотларга таянган ҳолда, ушбу масала таҳлил қилиб берилди.

Ўзбекистонда аҳоли ва корхоналарнинг ун маҳсулотига бўлган йиллик талаби ўртача 3 млн. тоннани ташкил этади, шундан аҳоли эҳтиёжи тахминан 2,4 млн. тонна.

2021 йилда республикамизда 3,5 млн. тонна ун маҳсулоти ишлаб чиқарилган, яъни бу дегани ун ишлаб чиқариш бўйича республика эҳтиёжи ички ишлаб чиқариш ҳисобидан таъминланади.

Сўнги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ун нархининг ошиши бу глобал масштабга эга бўлиб, бутун дунёда буғдой ва ун нархининг ошиши кузатилмоқда.

Хорижий манбалардан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда дунё бўйича буғдой ишлаб чиқариш ҳажми 2021/2022 йил мавсумга нисбатан 4,5 млн. тоннага қисқариб, 774 млн. тоннани ташкил этиши кутилмоқда.

Хусусан, экспертлар томонидан Украинада буғдой ялли ҳосили 21,5 млн. тоннагача (оддий мавсумда 33 млн. тонна), Европа Иттифоқида 136,5 млн. тоннагача

(138,4), Хиндистонда 108,5 млн. тоннагача (109,6), Австралияда 30 млн. тоннагача (36,3), Аргентинада 20 млн. тоннагача (22,1) ва Покистонда 26,4 млн. тоннагача (27,5) қисқариши прогноз қилинмоқда.

Мамлакатимизнинг асосий савдо ҳамкорларида буғдой етиштириш ҳажми Россияда (75 млн.тн. дан 80 млн.тн. гача), Қозғоғистонда (11,8 млн.тн. дан 13 млн.тн. гача), шунингдек, бошқа бир қатор давлатларда Туркияда (16 млн.тн. дан 17,5 млн.тн. гача), Бразилияда (7,7 млн.тн. дан 8,5 млн.тн. гача), Канадада (21,6 млн.тн. дан 33 млн.тн. гача), Мисрда (9 млн.тн. дан 9,8 млн.тн. гача) ошиши кутилмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, Россия ва Украина ҳиссасига дунё бўйича жами экспортнинг 30 фоиздан ортиғи тўғри келади.

Май ойида дунё биржаларида буғдой нархлари динамикасида буғдойнинг бир тоннаси нархи 400-458 АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига (272-290 долл.) нисбатан 50-60 фоизгача ошган.

**Бугдой ва ун маҳсулотларининг нархи ошса, кам даромадли оилалар нима қилади?**

Бизнинг иқтисодий ривожланиш моделими ижтимоий ҳимояга йўналтирилган модель бўлганлиги сабабли мазкур жараёнда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ вазифалар ва механизмлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 майдаги қарорига асосан, ёшга доир, ногиронлик пенсияси ва нафақасини олувчиларга, болаликдан ногиронлик нафақасини ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ва нафақасини олувчи ҳар бир оила аъзосига ҳамда ўзгалар парваршига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвартириш нафақасини олувчиларга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – 300 минг сўмдан, Тошкент шаҳрида – 400 минг сўмдан, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" аъборот тизими орқали кам таъминланган сифатида моддий ёрдам олувчи оилаларга ҳамда кам таъминланган сифатида болалар нафақасини олувчи оилаларнинг ҳар бир 18 ёшга тўлмаган боласига – 200 минг сўмдан тўлаб берилади.

"Темир дафтар"га киритилган ҳамда бир мартали моддий ёрдам пулларини олмаган эҳтиёжманд оилалар рўйхати шакллантирилиб, ушбу оилаларнинг ҳар бир аъзосига 20 килограммдан бепул ун тарқатилади.

Шунингдек, ижтимоий аҳволи оғир бўлган оилаларга "Саховат ва кўмак" жамғармаси ва бошқа манбалар ҳисобидан бепул ун тарқатишни ёки нақд пул кўринишида моддий ёрдам кўрсатиб бориш таъминланади.

Бунда, 2022 йил давомида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида эҳтиёжманд оилаларнинг аҳволини мунтазам равишда ўрганиб боради.

**"Ўзбекистон овози" мухбири Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.**

## KUN MAVZUSI

### ДИЛ ИЗҲОРИ

# ШИФОКОР ҚАДРИ ЯНАДА ЮКСАЛДИ, МАСЪУЛИЯТИ ҲАМ ОШДИ

Тиббиёт ривожланса, одамларнинг ҳаётдан розилиги ортади. Жонимиз оғриси, касал бўлсак, яқинларимиз оғриб қолса шифокорга чопамиз. Бир жойдан шифо топсак-ку, хўп-хўп, агар шифохона-шифохона сарсон бўлсак, мутахассисга учрашиш учун кунлаб-ойлаб навбат кутсак, ундан ёмони йўқ. Соҳага қаратилаётган эътибор ана шундай муаммоларнинг олдини олади, тиббиёт ходимларининг масъулиятини янада ошириш билан бирга, хизмат сифати яхшиланишига сабаб бўлади. Илгари айниқса, тиббиёт ходимларининг моддий жихатдан қўллаб-қувватланиши борасида бу даражадаги ижобий ўзгаришлар кузатилмаган эди. Президентимизнинг шифокорлар билан очиқ мулоқотидаги фикрлари бунга тўла асос бўлади.



Йиғилишда билдирилган фикрлар, белгиланган вазифалар бўйича оилавий поликлиникамизда 7 йўналиш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Аввало, эътибор бирламчи тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш, тиббий хизматлар сифатини оширишга қаратилди. Хусусан, иш вақтимиз 20:00 гача узайтирилди. Ҳар бир ҳудудда учрашувлар ўтказиш, ушбу вазифа мазмун-моҳиятини тушунтириш учун режа тузилди. Шифокор ва ҳамширалар иш ҳақиға қўшимча устама тўлашни йўлга қўйиш чоралари кўрилмоқда.

Айни пайтда ҳудудимизда соғлом турмуш тарзи, касалликлар профилактикаси каби тадбирлар амалга ошириляпти. Бунда оилавий шифокорлар ва патронаж ҳамширалар уйма-уй юриб, тиббий маданият, соғлом турмуш тарзига амал қилиш бўйича тушунчалар бериб боришляпти.

Шифокорлик касбининг мақоми ва нуфузини ошириш, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масаласида барча тиббиёт ходимлари учун дастлабки ва даврий касбий бепул тиббий кўрик ўтказиш йўлга қўйилди. Ҳудудда истиқомат қилаётган тажрибали, мустақил оилавий шифокорлик фаолиятини юритиш истагида бўлган шифокорлар рўйхати шакллантирилиб, уларга ўз уйида ёки ижарага олинган бинода тиббий хизматлар кўрсатиши учун шарт-шароит яратилиши тушунтирилмоқда.

Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам қайта кўриб чиқилди. Бу соҳада белгиланган чора-тадбирлар асосида 1 июлдан бошлаб, болаларни йод препарати билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Шу мақсадда ҳудуддаги 3-15 ёшдаги болаларга дори-дармон тарқатиш тизими ишлаб чиқилмоқда.

Очиқ мулоқот юзасидан белгиланган чора ва тадбирларни босқичма-босқич бажаришга киришдик. Уларнинг барчаси мўҳим, аҳамиятли. Масалан, "Соғлом ҳаёт сари 5000 қадам" шиори остида юриш марафони ўтказишни режалаштирдик. Аҳоли ўртасида саломатлик тўғрисида тарғибот ва ташвиқот ишлари бошлаб юборилди. Ҳудуддаги маҳаллаларда ортиқча вазндан халос бўлиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя этиш, жисмоний фаолликни ошириш, зарарли одатлардан воз кечиш ва бундай одатлар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган юрак-қон томир касалликлари, қандли диабет, онкологик каби хасталикларнинг олдини олиш бўйича ташвиқот, тушунтириш ишларини бажаришга киришилди.

Қисқаси, шифокорнинг бош вазифаси инсон саломатлигини сақлаш, зарур пайтда беморга биринчи ёрдам кўрсатиш, уни сифатли даволаш ва яна асосийси, турли касалликларнинг келиб чиқишининг олдини олиш. Президентимизнинг соҳа вакиллари билан ўтказган очиқ мулоқоти зиммамизга қанчалик масъулият юклаган бўлса, бизга янада яхши имкониятлар яратди, имтиёзлар берди, шифокор қадрли, обрўсини оширди. Билдирилган ишонч, соҳа ходимларига оқланган вазифалар эса зиммамиздаги масъулиятни янада кучайтиради.

**Нигина АББОСОВА, Самарқанд шаҳридаги 1-оилавий поликлиника бош шифокори, ЎзХДП фаоли.**

### ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

## ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИГА ОИД ЖАМҒАРМА

Президентимизнинг Жиноят ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги тегишли Қарори билан Ички ишлар вазирлигининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан келиб тушадиган ушланмаларнинг 50 фоизи ҳисобидан шакллантириладиган Пробация хизматини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Жамғарма маблағлари ҳисобидан қуйидаги ҳуқуқлар берилди: озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган шахслар сонини ҳисобга олган ҳолда, Жазони ижро этиш департаментининг асосланган таклифлари бўйича пробация бўлинмалари ходимлари, ишчи ва хизматчиларининг қўшимча штат бирликлари жорий этилади. Пробация бўлинмаларига мутахассис-психологларни уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини меҳнат бозоридаги амалдаги конъюнктуранинг ҳисобга олиб белгиланган ҳолда, шартнома асосида жалб этади. Пробация бўлинмалари ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа устама ва тўловлардан қатъи назар, лавозим маошига рағбатлантирувчи фоизли устамалар белгиланади. Жамғарма маблағлари фақат қуйидагилар учун сарфланиши белгиланди: пробация бўлинмалари моддий-

техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимларини рағбатлантириш, пробация бўлинмаларининг бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган қўшимча киритилган штат бирликларини, шунингдек, шартнома асосида жалб этилган мутахассис-психологларни таъминлаш, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган маҳкумларни, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган вояга етмаганларнинг касбий тайёргарлиги бўйича тадбирларни ташкил этиш.

Пробация бўлинмалари ходимларининг савий-ҳаракатлари туфайли назорат остидаги биргина шахс тузалиш йўлига ўтса, қатор жиноятларнинг олди олинади. У ишга жойлашиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга интилса, оиланинг ҳам яшаш шароити яхшиланади.

Шундай экан, жамиятимизда шахсни тарбиялаш орқали соғлом муҳит яратиш вазифаси, наинки ички ишлар органлари пробация бўлинмаларининг, балки кенг жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини унутмаслик лозим.

**Умиджон ЭРҒАШОВ, ИИВ Академияси 325-гурӯх курсанти.**

## SALOMATLIK POSBONLARI

## КИТОБ ТУМАНИ ТИББИЁТИ

ЁШ КУЧ, УСТОЗЛАР  
ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

Рухсат сўраб, кўп қаватли иморатлар атрофида ям-яшил арча, гуллар яшнаб турган ҳовлига кираман. Бу — туман юқумли касалликлар шифохонаси ва ўтган йили 5 миллиард сўм маблағ эвазига яхшилаб таъмирланди.

Ушбу ибратли ишларнинг бошида анча йилдан буён бош шифокор Зафар Эсонов турибди. У соҳасининг билимдони, тажрибаси катта. Жамоа аҳил. Вирусли гепатит, ичбурғу ва бошқа юқумли касалликларни даволаш самарали кечаяпти. Айниқса, коронавирус — тождор ажал ташиган хасталикни даволашга кўп куч сарфлашди. Миллионлаб инсонлар умрига зомин бўлган бу офат қаердан келиб чиққани, тўлиқ даволаш ҳадемай кашф этилади. Аммо дунё ахлини шошириб қўйгани айни ҳақиқат. Мен ўзим эмланганимга қарамай, уни юқтирдим ва бир ой мобайнида докторлар кўрсатмаси билан уйда даволандим, чеккан азобларимни ҳануз унутмаман. Зафаржон ҳам унга чалинибди, лекин оёққа туриб, беморларни даволабди. Умуман, шифохона 1400 беморни ҳаётга қайтарибди. Катта тажриба тўпланган, шу тўғайли ҳозир Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Чироқчи туманларидан шу каби беморлар касалхонада даволаиб кетишар экан.

Зафаржон Президентимизнинг айрим вирусли инфекциялар тарқалишига қарши кураш чоралари ҳақидаги янги қарорининг тенгсиз аҳамиятини гапирди. Муаммоларни илмий ўрганиш ҳам келажак учун. Жаҳоннинг кўзга кўринган шифокорлари коронавирус оқибатини санитар касаллиги, деб аташмоқда. Бу атроф-муҳитни тоза тутиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарини кўпроқ ва тезроқ бунёд этиш вазифаларини кўяди. Бундан ташқари, санитар шифокорлар фақат қонун асосида ишлашларига шароит яратиб бериш лозим.

ТОҒ ВА АДирЛАР  
БАҒРИДА

Қадимий "Тахтақорачи" довои пойида ўр-адирлар бағрида жойлашгани тўғайли ўриш, кейинчалик "Урис" атлиб кетган кишлоқ бор. Фақат шугна эмас, 270 мингга етган туман аҳолисининг қарийб 28-30 фоизи тоғли кишлоқларида истикомат қилади. Зарафшон тизма тоғлари ўраган, чинор ва булоқлари мўл "Башир", "Койни", "Бодомзор", "Варганза", "Қургонтоғ" адирлари бағрида қарор топган "Макрид", "Хонақо", "Минжир", "Сарай" ва бошқа шундай шароитдаги ўнлаб кишлоқлар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос машаққатлари бор. Қизиғи шундаки, кўшундаки

манларда амал қилаётган айрим имтиёزلардан китоблик шифокорлар бебаҳра экан. Жумладан, устама, шахсий автоуловлардан хизмат учун фойдаланилганда, қўшимча ҳақ тўлаш масаласи ҳануз кўндаланг турибди.

"Урис" қишлоғида 2016 йилда қурилган оилавий поликлиника биноси энг яхши лойиҳалардан бири. Барча қулайлик, тиббий ускуналар, жиҳозлар, хоналар етарли. Кундузги бўлим ишлаб турибди. Жами 34 минг аҳоли хизматида, 89 нафар патронаж

ҳамшира оилалар билан мунтазам алоқада. Бош шифокор Фахриддин Рустамовнинг қўли энгиллигини, шахсан ўзим даволаниб, синиб кўрганман. Борган куним барча қабул, шифокор ва бемор муносабатларини кўриб, кўнглим тўлади. "Ҳамма вақт яхши кўриб олишди", Фахриддин умуртқа поғонамадаги дардини даволаб келаяпти, кам бўлмасин", — дейди 70 ёшли бемор Бердимурод Усмонов.

18 апрель. Бу кун ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Ахир, мен қўшни Қирғизистон давлатининг юксак тоғларга тақалган "Арслонбоб", Шахрисабз туманининг "Ғилон", Яккабоғ туманининг "Татар", Деҳқонобод туманининг "Бошчарбоғ" кишлоқларида бўлиб, сарбаланд чўққиларга ҳайрат билан боққанман. Аммо шу кунгача Ҳисор тизма тоғларининг денгиз сатҳидан 2,2-2,5 минг метр баландликлардаги чўққилари, туман босган ёнбағирлари кўриниб турган манзил — 200 киши яшаётган "Шут" кишлоғи пойгача етиб келмаган эдим. У ёғи Тожикистон.

Марказдан ўттиз-қирқ километр чамаси жойдаги "Обиканда" кишлоғига тиббиёт бирлашмаси координатор-йўриқчиси Жонибек Элмуродовнинг яп-янги "Женетра" машинасида келдик. Жонибек яхши шифокор, ёш бўлишига қарамай, шу "Паландара" мавзесидаги тоғли "Ваткана" кишлоқ врачлик пунктида бош врач бўлиб ишлаган, шунинг учун носоз йўллардан машинани эркин бошқара олар экан. "Обиканда" кишлоғида тажрибали шифокор Дилбар Содиковани учратдик. Машинамизга марказий туғуруқхона акушер-гинеколог Ойша Сатторова ва терапевт Чарос Раҳмонова ҳамда УТТ ташхисчиси (қаранг, исмини сўрамабман...) ўтказиб, "Деновболо" кишлоғидаги тиббиёт пунктида беморларни кўриқдан ўтказиш учун қолдириб, Ризоқул Розиковнинг кучли "Нива" машинасида йўлни давом эттирдик. Тор, айрим жойлари ёмғирдан кейин аталага айланган тупроқ йўл узра юриш ўта машаққатли эди. Ҳайрият, тушга яқин 188 киши яшаётган "Аспидухтар" кишлоғига етиб келдик.

Ҳақиқат шундаки, "Паландара" илгари битта кишлоқ эди, ҳозир 5 та маҳаллага бўлинган ва 30 мингга яқин аҳоли умргузаронлик қилиб келаяпти. Ризоқул "Кўхсор" МФЙга қарашли кишлоқларга хизмат қилаётган тиббиёт пункти мудирини экан. Тақдир ажойиб. Афғон уруши қатнашчиси, ажал билан юзма-юз келган десантчи аскар. Кейин Қарши шаҳридаги техникум ва Тошкент педиатрия институтида таълим олган. Бу маҳаллада олий ихтисосли ягона шифокор, 30 йилдан буён эл хизматида. Маҳалла аҳолиси асосан тожик миллатига мансуб. Ҳозиргача хотин-қизлардан ҳатто ҳамшира ҳам етишиб чиқмаган. Эркак фельдшерлар хизмат қилишади. Ризоқул нолимайди, кишлоқларда юрак-қон томир касалликлари анча учраши, тоғ-тошда йиқилиб, шикастланиш, илон, айниқса, қорақурт чаққан беморларни даволаш, қоракўртак аёлларни барвақт марказдаги туғуруқхонага етказиш ташвишларини тилга олади.

Фельдшер Фаррух Назриддинов Рамазон ойида оғайнисининг отини олиб, тоғма-тоғ юриб, беморларга хизмат қилибди. У билан бошлашди, 93 ёшли Нормиқул бобо Ходиевнинг кўркам уйига борамиз. "Худого шукр, яхши кунларга етдик. Бу тоғларда дон экиб, чўпон бўлиб роса меҳнат қилдим. Қўй ҳайдаб, айрим кунлари 35-40 километр жойларга борганим эсимда. Ҳа, меҳнат ва ҳаракат соғлиқ таянчи. Хуш келибсизлар. Элнинг саломатлигини ўйлаб тиним билмаётган Президентимизга саломим ва раҳматимни, албатта етказинг!", — дейди Нормиқул бобо дуога қўл очиб.

Тоғлиқлар — табиат химоячилари, асл ўрмончилар, улар дарахт экиб, мева, картошка, сабзавот етиштириб келишяпти. Тоғ кишлоқларига кўми, суюлтирилган газни ўз вақтида етказиш, йўлларни созлаш, хотин-қиз шифокорларни камолга етказиш, мураккаб шароитда ишлаётган шифокорлар учун давлатимиз яратиб бераётган барча имтиёزلардан фойдаланишларига эришиш лозим.

## МЕХНАТ ВА РАҒБАТ

Орадан икки кун ўтиб, кўп тармоқли поликлиника ва марказий касалхонага келдим. Поликлиниканинг тўртинчи қаватида томоқ, бурун, қулоқ ва кўз касалликлари шифокорлари — Отабек Жалилов ҳамда Самандар Худоёровлар қабулида шунчалик бемор кўп эканки, уларни саволга тутиб, безовта қилишга ботинолмадим. Устоз кардиолог Равшан Ҳалимов менга юрак товушини ёзиб олувчи махсус УТТ йўқлиги, ҳақ, ойлик маош тўлашда шифокорнинг малакасини, хизматини ҳисобга олиш ҳа-

қида фикр билдирди. "Уларнинг учаласи ҳам эътиқодли, моҳир шифокор", дейди Фахрланиб анча йилдан буён поликлиникага раҳбарлик қилаётган Мухаммад Аминов...

Танишишда давом этдим. Марказий шифохона бундан бир неча йил бурун яхшилаб таъмирланган, барча бўлимларда тиббий ускуналар, жиҳозлар етарли. Фақат астойдил ишлаш талаб қилинади. Шошилиш тез ёрдам бўлими иши билан танишдим. Келгусида тоғли кишлоқларига кучли автоуловлар ажратилишига ишонаман. Ашур Бекбоев мудирлик қилаётган лаборатория тоза, ораста, ўз ишининг устаси бўлган шифокорлар меҳнат қилишяпти. Чунки бир неча бор қон таҳлили учун келганимда, бунга ўзим амин бўлганман. Ҳозир лаборатория 30 дан ошди таҳлилни бажаряпти, келгусида кўп янгиликлар жорий этилар экан. Сунъий буйрак-гемодиализ бўлимига рухсат сўраб кириб бордим. Бўлим бошлиғи, тажрибали врач Мусоҳон Амиров тўқсонинчи йилда Москва шаҳрида малака ошириб келган, 2015-2016 йилларда Африкадаги Ангола давлатида ишлаган. Илгари 2 та буйракни тозаловчи ускуна бўлган бўлса, ҳозир 9 та хорижда тайёрланган энг замонавий аппаратдан фойдаланишмоқда. Бўлим хизматидан 5 туман аҳолиси баҳраманд. Умр йўлдошини даволатгаётган шахрисабзлик Тўғли Хонназаров: "Мусоҳондан миннатдорман", дейди юракдан чиқариб.

Айни пайтда туман аҳолисига 4 та шифохона, 2 та амбулатория, 7 та оилавий поликлиника, 5 та кишлоқ врачлик пункти, стоматология, тез ёрдам бўлими хизмат кўрсатяпти. Олий ва ўрта махсус маълумотли шифокорлар етарли, айрим ихтисосликлар учун ёшлар малака оширишга юборилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилоят тиббиёт бошқармаси ташаббуси билан тез-тез ўтказилаётган кўриқлар касалликларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, самарали даволаш имконини бермоқда. Шуниси қувончлики, кўплаб мураккаб жарроҳликлар ва беморларни даволаш айнан туманининг ўзида бажарилаяпти, моҳир шифокорлар етишиб чиқмоқда.

"Саломатлик академияси" клиникаси, бошқа ўнлаб хусусий шифо масканлари билан ўзаро яхши ҳамкорлик муҳити яратилган. Масалан, юқориди клиникада қорин бўшлиғига тиг теккизмасдан, фақат махсус ускуна ёрдамида жарроҳлик амалларини бажариш йўлга қўйилган эди. Маҳаллий бюджетдан 550 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига замонавий лапароскоп аппарати, махсус лампа наркоз бериш ускунаси олиб келиниб, жонлантириш бўлимида иш бошлаб юборилди. "Ҳозир гинекологик, ўт-тош, кўричак ва бошқа ички касалликларни янгида даволаш имконияти яратилди, ёш мутахассислар ўқиб келишди", — дейди кўп йилдан буён жарроҳлик бўлимига раҳбарлик қилиб келаётган Илҳом Бобомуродов. Яна бир янгилик шуки, шикастланганлар бўлимида Республика травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази шифокорлари билан ҳамкорликда юқори технологик жарроҳлик ишлари бажарилаяпти. Утган йили 167 ва бу йил 40 бемор шу тарзда шифо топди.

Т уғ у р у қ мажмуасига т а ж р и б а л и

жарроҳ Усмон Алимов раҳбарлик қилаяпти. Бу жойда ўз касбига содиқ шифокор ва ҳамширалар кўп. Жарроҳлик амаллари, фарзанд кутаётган аёлларни муваффақиятли даволаш, соғлом бола дунёга келишига эришиш машаққатлари ҳақида 30 йилдан буён ишлаб келаётган шифокор Нодира Сабирова гапириб берди. Уларнинг ишидан қониқиб, болалар касалликлари бўлими билан ҳам танишдим. Янги қурилган кўп қаватли бино хоналари ораста, тоза, барча тиббий ускуналар етарли, айрим янгиликларни келтириш режага киритилган экан. Бўлимда шифокорлар болаларда юрак етишмовчилиги анча учраётганини тилга олишди. Дарҳақиқат, бу жиддий муаммо. Фарзанд кутаётган онага ғамхўрлик, руҳиятини кўтариш, кўнгли тусанган таомлар билан овқатлантириш доим эътиборда бўлиш керак. Президентимиз мулоқот даврида Қашқадарё вилоятда юрак-қон томир касалликлари кўп учраётганини тилга олиб, шароитни яхшилаш борасида янги вазифаларни белгилаб берган эдилар. Китоблик шифокорлар Республика ихтисослашган кардиология илмий-амалий марказининг Қаршидаги филиалида болалар жарроҳлиги бўлими очилса, макбул бўлишини тилга олишди. Айтишларича, бу вазифа яқин вақт ичида амалга ошаркан.

Ниҳоят, Шавкат Гафоров билан юзма-юз суҳбатлашдик. Ҳозир қирқ уч ёшга етган Шавкатжон барваста, серғайрат, малакали шифокор, бир неча йилдан буён туман тиббиёт бирлашмаси координатор-йўриқчиси эди. Бирлашма бошлиғи бўлганига бир йилча вақт ўтди. Ўзгаришлар дарров кўзга ташланди. Ортиқча мажлисбозлик камайди, айрим масаллар бўлимларнинг ўзида кўриб қийляпти. Устозлар тажрибасидан фойдаланиш, маҳоратли ёшларни камолга етказиш асосий вазифага айланган. Натижада даволаш ишларида изчиллик, ҳамкорлик муҳити вужудга келган. Унга жарроҳ Илҳомжон янги кутубхона ташкил этишни маълумлагани, кардиолог Равшан хизматида яраша рағбатлантириш лозимлигини айтгани, шахсан ўзим эркаклар учун андрология бўлими ташкил этиш зарурлиги борлигини айтиб, мисоллар келтирдим. Хусусан, билганим, ташхис қўйишда ишлатиладиган тиббий ускуналардан рағбатлантиришга қаратилган янги фармони ҳам улкан ғамхўрлик ва мулоқот давомида белгилаб олинган вазифаларнинг ижросидир. Дарвоқе, сиз тилга олган масалалар ҳам албатта, амалга ошади.

Мен келажакка ишонаман. Яна ишонаманки, давлат шифохоналари хусусийлардан ҳеч қачон кам эмас, балки намуна бўла олади. Ва, Раҳнамомизнинг юрак сўзларини яна бир бор баралла айтаман:

— Тиббиёт шундай соҳаки, унга дахлдор бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ. Ҳаммамиз ҳам иссиқ жонимиз, тиббиёт муассасаларига кунда-кунора мурожаат қилмаган кишини топиш қийин...

Юнус УЗОҚОВ,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист.



SPORT

t.me/uzbekiston facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston\_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz



Футбол Ўзбекистонда севиб ўйналадиган спорт турларидан бири. Юртимизда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган инсонларнинг жуда кўпчилиги футболни яхши кўради. Ҳозирги кунда ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам мини стадионлар қурилиб, ёшларнинг бу спорт турига қизиқишини янада ошироқда. Уша масканларда тупроқ чангитиб, футбол ўйнаб юрган болакайлар, ёшлар орасида истеъдодлилар талайгина. Катта-катта шаҳарларимизнинг эса ҳар нуқтасида мини стадионлар қурилган ва улар доим ҳаваскор футболчилар билан гавжум.

ТАЛАБАЛАР ФУТБОЛ МУҲЛИСЛАРИГА УМИД БЕРА ОЛАДИМИ?

Футболнинг оммавийлигини ошириш учун яқинда маҳалла жамоалари ўртасида ДХХ кубоги ўтказилганди. Ўзбекистон профессионал футбол лигасининг ташаббуси билан талабалар ўртасида ўтказилган «Students cup» республика турнири ҳам ниҳоясига етди. Футбол мутасаддиларининг асосий мақсади чекка-чекка маҳаллалардан ва олий таълим талабалари орасидан иқтидорли футболчиларни аниқлаб, профессионал даражагача чиқишларини таъминлаш эканлиги айтилди.

13 май куни старт олган «Students cup» мусобақасида мамлакатимизнинг 116 университет ва институт жамоалари иштирок этди. Дастлаб худудий босқичлар ўтказилган бўлса, кейинчалик мазкур баҳсларда фолиб, дея топилган жамоалар республика босқичига йўлланмага эга бўлишди.

Ушбу босқичда қатнашган Самарқанд, Гулистон, Наманган, Андижон давлат университетларидан ташкил топган жамоа аъзолари жисмоний тарбия факультетларида ўқишади. Демак, уларнинг кейинги ҳаётида бу турнир муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Тошкент шаҳри ва жисмоний тарбияга ихтисослашган университет жамоалари мусобақани чорак финал босқичидаёқ тарк этишга мажбур бўлди. Ўзбекистондаги олий таълим даргоҳларида жисмоний маданиятга бўлган эътибор қайси олийгоҳларда юқори эканлигини мана шу биргина кичик турнир кўрсатиб берди. Кейинги йилдан университет раҳбариятининг кўмаги билан мусобақадаги рақобат янада ошиши айтилмоқда.

Мазкур турнирда энг яхши футболчи, энг яхши тўпурар, энг яхши мураббий, энг яхши дарвозабон, деб топилганларга энг сўнги русумдаги телефонлар совға қилинди. Учинчи ўрин эгаларининг ҳар бирига чангитиб, иккинчи ўринга ноутбук, биринчи ўрин соҳибларига эса телевизор тортиқ этилди.

Муҳими, «Students cup»нинг талантилари ўзига бўлган ишончини сақлай олишсин.

Мусобақанинг асосий мақсади талабаларни оммавий футболга қамраб олиш, – дейди ПФЛ бош директори Диёр Имомхўжаев. – Мамлакатда спортнинг исталган тури оммавий ривожланмагунча профессионал даражага чиқиш қийин. Шунинг учун Давлат хавфсизлиги хизмати кубоги маҳаллалар, бу турнир эса талабалар ўртасида ўтказилмоқда. Кейинчалик коллеж ва мактаб ўқувчилари орасида

ҳам мусобақа ташкил қилиш режими бор. Ўзимизнинг профессионал футболчилар ҳам университетларда тахсил олишган. Биз уларнинг фондида қолиб кетаётган талабаларга футболга кириб келишлари учун имконият бермоқчимиз. Масалан, Англиянинг «Лестер» клуби футболчиси Жемей Варди 30 ёшида футболга кириб келди. Бу шуни кўрсатадики, спорт билан профессионал тарзда шуғулланиш ҳеч қачон вақт талаб қилмайди. Мана шу турнирда ўзини кўрсатган талабалар кейинчалик профессионал клублардан таклиф олиши мумкин. Бу турнирмизга ўхшаш мусобақалар дунёнинг кўплаб давлатларида ўтказилади. Мисол учун, Англияда Кембриж, Оксфорд каби нуфузли университет жамоалари жуда ҳам машҳур ҳисобланади.

Мусобақа юқори савияда ўтказилди, деб бемалол айтишимиз мумкин. Сабаби, унда қатнашган барча жамоалар ташкилотчилик аъло даражада эканлигини таъкидлашди. «Students cup» олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабаларни бирлаштирадиган воситаси сифатида ҳам кўпчилиكنинг ёдида қолди.

Ярим финалга чиққан жамоа аъзоларининг кўпчилиги аввалдан жисмоний тарбия билан шуғулланиб келади.



АЖАБО

ЁЛҒИЗ АЁЛНИНГ МОЛИГА ТИКИЛГАН КЎЗ

Узун туманининг «Файзова» маҳалласида истиқомат қилувчи Хурсаной Бобохонова сабр-бардошли ва матонатли инсонга қиёслаш мумкин. Аёл турмуш чорраҳаларида турли қийинчиликларни бошидан кечирган бўлса-да, ҳамон умидини йўқотмаган.

Хурсаной Бобохонова 1993 йилда турмуш қурган. Бирин-кетин уч нафар фарзанд (икки ўғил, бир қиз) дунёга келади. Тақдир экан, 2003 йилда эр-хотин ажрашади. Болалар тарбияси ва 2-гурӯҳ туғма ногиронлиги бўлган акаси Абдуқодир Бобохонов қарови ҳам унинг зиммасига ўтгандан кейин аёл янада омиқкорлик билан ўш тутишга киришади. Тормоқдан унумли фойдаланиб, ушқоқ мол ва парранда парвариши йўлга қўйилади. Мўъжаз боғ ташкил қилади. Олма, анор, беҳи, гилос каби мевалар бозорга чиқарилган.

муштипар аёлнинг молига кўз тиканлар ҳам бор экан.

Хурсаной Бобохонова 1993 йилда турмуш қурган. Бирин-кетин уч нафар фарзанд (икки ўғил, бир қиз) дунёга келади. Тақдир экан, 2003 йилда эр-хотин ажрашади. Болалар тарбияси ва 2-гурӯҳ туғма ногиронлиги бўлган акаси Абдуқодир Бобохонов қарови ҳам унинг зиммасига ўтгандан кейин аёл янада омиқкорлик билан ўш тутишга киришади. Тормоқдан унумли фойдаланиб, ушқоқ мол ва парранда парвариши йўлга қўйилади. Мўъжаз боғ ташкил қилади. Олма, анор, беҳи, гилос каби мевалар бозорга чиқарилган.

Дард, алам, қайғу, етишмовчилик инсонни мушқул аҳволга солиб қўяди. Соғлиқка салбий таъсир қилиши мумкин. Муаммолар гирдобиде қолган Хурсаной Бобохоновнинг юраги безовта қилиб, тез-тез қон босими кўтарилди. Дори-дармон учун бир ойда ўртача 2,5-3 миллион сўм сарфлаган кезлари бўлган экан. Бундан ташқари, озиқ-овқат, кийим-бош, коммунал тўлов, дегандай. Хуллас, у бир йилдан ортиқ сарсон-саргардон бўлиб, ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Инсон умри оқар дарёга қиёсланади. Етти хазинанинг бири бўлган қўйлар уч-тўрт йилда 14 бош бўлади. Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, деганларидек кейинчалик ем-озуқа масаласида муаммолар юзага келган. Тажрибали чорвадорларнинг маслаҳати билан 2019 йилнинг октябрь ойида 14 бош она совлиқ Денов туманининг «Лочин» маҳалласида яшовчи чўпон Бобомурод Қурбоновга топширилади. У отарни «Бобото» ўрмон хўжалиги уйловларига ҳайдаб кетиш олдидан бош сонини кўпайтиришга ваъда беради.

– Қун келиб, албатта, ҳақиқат қарор топиши ва адолат тантана қилишини билардим, – давом этади аёл. – Шунинг учун жорий йилнинг 15 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига муурожаат қилдим. Ишонасизми, тезда ўрганиш ва суриштирув ишлари бошланди. Қонун ҳимоячиларининг амалий ёрдами билан 28 февраль куни яна 5 бош она совлиқни олдим.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АЙРИМ ФУҚАРОЛАРГА БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

Infographic detailing social protection measures for vulnerable citizens, including pension benefits, medical aid, and legal assistance. It lists various categories of recipients and the amount of aid provided, such as 300 million soums for pensioners and 400 million soums for those in Tashkent.



ЧАҚАЛОҚ “БАҲОСИ” – 18 000 АҚШ ДОЛЛАР

2021 йил 10 август. Янги-ҳаёт туман маркази. Ҳамма кундалик турмуш ташвишлари билан овора. Одамлар у ёқдан бу ёққа ўтиб турибди. Шу кун, шу атрофда ўтказилган махсус тадбирни – чақалоғини сотган аёл далилий ашё билан ушланганлигини кўпчилик сезмаган ҳам бўлиши мумкин.

ўйларнинг нархи билан қизиқиб кўринг, – таклиф киритади Саида. – Сўраб-суриштирадим, – дейди навбатдаги учрашувда у. – 18.000 доллар экан. 7 август куни Нилуфарнинг қиз фарзанди дунёга келади. Саида уни кўргани олдида боради.

...Нилуфар Қодирова (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг икки нафар фарзанди бор эди. Эри билан ўртасидаги можаро туфайли Сирдарё вилоятининг Оқолтинига кетиб бир йилча ўша ерда юрди. Кейин Тошкентга қайтиб, ижарада яшай бошлади. Утган йил март ойида ҳомиладор эканлигини билганга, ўйлаб-ўйлаб қолади. Ҳомилани олдириб ташлашга эса маблағи йўқ. Ўйлай-ўйлай бир қарорга келади. Туғилажак боласини сотиб, эвазига ўй-жой олишни режалаштиради. Қунларнинг бирида у Саида Мирзаева деган аёл билан танишади.

– Нима қарорга келдингиз, – илтимос оҳангида сўрайди Нилуфардан. – Савоб учун менга беринг. Ўзим боқиб, катта қиламан. – Кейинги сафар савоб учун сизга ўғил туғиб бераман, – дейди муддаога кўчиб Нилуфар. – Ҳозир ўй олишим керак...

– Турмуш қурганимизга анча бўлди, лекин бефарзандман, – деди Саида ҳасратини айтиб. – Кўриб турибсиз, ҳомиладорман, – деди Нилуфар “мижоз” топилганидан хурсанд бўлиб. – Агар хоҳласангиз, бола туғилса сизга беришим мумкин. Шу гап-сўзлардан кейин улар учрашиб туришди. – Кўриб турибсиз, ўйим йўқ. Болаларим билан қаерга боришни билмайман, – Нилуфар таниш аёлга мақсадини айтди. – Агар ўй олишга ёрдам берсангиз, боламни сизга бераман. – Қаердан ўй олоқчисиз, – сўради Саида ундан. – Пулини берсангиз ўзим топаман. – Бўлмаса, Гулистондаги

Саида унинг ноқонуний ишига чора кўришларини сўраб тегишли жойга ариза ёзди. Уч кунлик чақалоғидан воз кечганили ҳақида тилхат ёзиб бериб, “эвази”га 18.000 АҚШ долларини биттама-битта санаб олган Нилуфар Қодированинг қувончи узоққа чўзилмади. Унинг олдида фуқаро кийимидаги орган ходимлари келиб ҳужжатларини кўрсатишади.

– Бу ишингиз қонунга хилоф, – дея ҳужжат расмийлаштирадидлар. Суднинг ҳукми билан ўз зурриёдини сотган аёл 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Нилуфарнинг қалта ўйлаб иш тутиши оқибатида вояга етмаган икки нафар фарзанди бугун ўзгалар қармоғида. Ўзи эса қилмишига яраша “уйли” бўлди.

Баҳром ТАШПУЛТОВ, жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди раиси. Раваҳан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

партия рамзи туширилган 30 донадан блокнот, флешка, стол соатидан иборат тўпلام ва қўл соатларини тайёрлатиш ва харид қилиш бўйича танлов эълон қилади. Тижорат таклифлари қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлардан 2022 йил 13 июнга қадар тижорат таклифлари қабул қилинади. Маълумот учун телефон рақами: (71) 239-83-12.

Тошкент давлат аграр университети томонидан 2019 йилда Қурбонова Камолахон Зокиржон қизига берилган В №1037625 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Орадан 8 ой ўтгандан кейин, яъни 2020 йилнинг кўз ойларида Хурсаной Бобохонова қўй-қўзиларни қайтариб оломоқчи бўлади. Августнинг охирида отар Узун туманининг “Сурхон”

## REKLAMA O'RNIDA

+32  
+37  
Коракалпоғистон  
Республикаси  
Хоразм+32  
+37  
Бухоро  
Навоий+29  
+34  
Ташкент  
Самарқанд  
Жиззах  
Сирдарё+32  
+37  
Қашқадарё  
Сурхондарё+25  
+30  
Андижон  
Наманган  
Фарғона+30  
+32  
Ташкент  
шаҳри

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИ ЎЗИНИНГ МАРД ВА ТАНТИ, ОЧИҚ КЎНГИЛ ВА МЕҲРИБОН ХАЛҚИ БИЛАН АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ. ҚОЛАВЕРСА, БУ ЗАМИННИНГ СЎЗИ БИЛАН ИШИ БИР БЎЛГАН ЎҒЛОНЛАРИ БОРКИ, УЛАР ЭЛНИНГ ТАЯНЧИ БЎЛИБ КЕЛМОҚДА. УЛУҒ ИЖОДКОРЛАРДАН БИРИ БЎЛГАН АЖНИЁЗ "ЭЛ ҲАМ ЭР БИЛАНДҲР, ЭР ҲАМ ЭЛ БИЛАН", ДЕБ ЁЗГАНДА ҲАҚ ЭДИ. БУНГА "КЕРАМИК ҚУРЫЛИС СЕРВИС" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ РАҲБАРИ АЗАМАТ СЕЙТБАЕВНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ, ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ ЧОҒИДА ЯНА БИР БОР ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛДИК.



## «ЭЛ ҲАМ ЭР БИЛАНДҲР...»



Азамат Сейтбаевга таъриф берадиган бўлсак, у 40 ёшлар атрофидаги тиниб-тинчмас бир инсон. Сухбатлашсангиз, ижодга ҳам қизиқиши билан бўлган бу далли-ғулли йигитнинг гурунгларида ўзингизга керакли кўп нарсани оласиз, амалга ошираётган ишларини кўриб қойил, дейсиз. 1983 йил 10 мартда Нукус шаҳрида туғилган қаҳрамонимиз учун отаси ҳаёт йўлларида тўғри йўлни кўрсатувчи инсон ҳисобланади. Азаматжоннинг фахрлини айтишчи, отаси Пўлат ака кўп йиллар давомида Қорақалпоғистонда логистика соҳасида ишлаган, ҳалол меҳнати ва қатъияти туйғайли ўз ўрнига, ўз сўзига эга бўлиб, мард, танти, бир сўзи ўғлон сифатида обрў-этиборга, ҳурматга сазовор бўлган.

— Отам бизга доимо ҳалол ва виждонли, мард ва кўркмас бўлишни ўргатган, — дейди суҳбатдошимиз. — У киши қаерга бормасин, қайси даврада бўлмасин, ким билан суҳбатлашмасин, дарров ўз ўрнини топган. Табиатан инсонларга меҳр-оқибатли, хушчақчақ, юз-кўзлари кулиб турадиган отам доим одамларга яхшилик улашадиган аjoyиб, бағрикенг инсон бўлган. У кишига атаб шеърлар ҳам ёзилганки, бу бизда чексиз фахр-ғурур уйғотади. Отам айниқса, оилани муқаддас, деб билади. У кишининг "ҳар бир инсон ўз оиласида шаклланади", деган аjoyиб бир ҳикмати бор эдики, бу гапнинг нечоғли ҳаётий эканини ўзимиз ҳам билиб-кўриб боряпмиз.

Азамат Сейтбаевнинг фаолияти асосан қурувчилик, аниқроғи, бунёдкорлик билан боғлиқ. Бундай дейишимизга сабаб, у раҳбарлик қилаётган "Керамика қурилиш сервис" МЧЖ кўп тармоқли бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш-ободончилик ишлари, хусусан, ичимлик сувлари тармоқлари, ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш, таъмирлаш, қайта қуриш, ўй-жойлар, бино ва иншоотларни қуриш ишларини амалга ошириб келмоқда. 2012 йилда Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги тармоқлари қурилиш трестига қарашли "Керамика қурилиш сервис" номи билан фаолият бошлаган корхона 2015 йилдан "Керамика қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти бўлиб ўз фаолиятини олиб бормоқда.

— Давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан бераётган ҳар бир имконият билан бирга зимманимизга катта масъ-

улият ҳам юкланади, — дейди у суҳбатимиз давомида. — Бу масъулият сизга билдирилган ишончни оқлаш. Аслини олганда ҳам, кенгроқ ўйлаб иш қиладиган бўлсак, инсон ҳар бир ишни виждонан амалга оширсин, унинг албатта, натижаси юқори бўлади, кут-барақа ҳам шунга яраша. Шу эл, шу юрт бизники деб ҳаракат қиладиган бўлсак, юртимизнинг янада ривожланиб кетишига муносиб тарзда ўз ҳиссамизни қўшамиз. Халқимизда бир гап бор: "Айт-чи, мендан нима қолди бу дунёда фақат яхши, хайрли ишдан бошқа?" Шундай, инсонийлик ҳаммаша инсонни улуглаб, эъзозлаб, бинобарин, номини абадийлаштириб келади.

Маълумки, Президентимиз томонидан кейинги йилларда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ва чуқур ислохотлар жараёнида қурилиш-ободончилик, бунёдкорлик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишларнинг биргина мисолини Мўйноқ туманида ҳам кўриш мумкин. Ушбу туманда амалга оширилган ишлар жараёнида Азамат Сейтбаев раҳбарлик қилаётган "Керамика қурилиш сервис" МЧЖ жамоасининг ҳам хизмати катта бўлди.

— Давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори билан Мўйноқда кейинги йилларда жуда катта кўламдаги хайрли ишлар амалга оширилди, — дейди суҳбатдошимиз. — Бундан 7-8 йил олдин Мўйноққа борган киши бугун бу ерда бўлаётган ўзгаришларни кўриб, хайратга тушиши тайин. Туманда бўлаётган ижобий ўзгаришларда бизнинг жамоамизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан фахрланамиз. 2015 йилдан шу кунга қадар "Мўйноқ Сити", "Обод қишлоқ" Давлат дастури асосида жуда кўплаб иншоотлар ва ўй-жойларни, замонавий мусиқа ва спорт мажмуаларни, умумтаълим мактаблари ва техникумларни, меҳмонхоналарни қуришда иштирок этдик.

2012 йилдан Қонлиқўл ва Шуманай туманларида йирик сув иншоотлари ва йирик насос станцияларини, хўжалиқлараро катта ва кичик йўллардаги сув хавзалари ҳамда ичимлик сувлари тармоқларини сифатли тарзда қуриш ва таъмирлаш, қайта қуриш ишларини амалга оширдик. 2018 йилда "Қорақалпоғистон" посёлкасида ҳам кўплаб бунёдкорлик ишларини амалга оширдик. Қонлиқўл туманидаги 21-мактабни 2021 йили таъмирлаб, фойдаланишга топширдик.

Сухбатдошимизнинг бизга маълум қилишича, корхона томонидан маҳаллаларни ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилган. Масалан, насос станциялари ва хўжалиқлараро Д-315 бўлган 7,05 км. узунликдаги магистраль сув тармоқлари қурилиш объектларида 1832,9 миллион сўмлик ишлар бажарилди. Қонлиқўл тумани "Каганхам" ва "Алтинқўл", "Шерушли" ва "Мамутой" маҳалласида Д-200 м. бўлган 8,49 км.га сув қувурлари ўтказилди. Яна қурилиш объектларида 1,92 км. узунликдаги Д-110 мм бўлган сув қувурлари ўтказиш тармоқлари сифатли қилиб, қуриб топширилди

ва 1042,3 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

Тўрткўл туманидаги "Уллибоғ", "Тўрткўл" ва кўҳна "Янгиовул" маҳаллаларида Д-110 мм. бўлган 1,44 км. узунликдаги сув қувурларини ўтказиш ишлари бажарилди. "Тозабоб" маҳалласида Д-110 мм, 2,02 км, Д-63 мм. 1,36 км. узунликдаги сув қувурлари ўтказилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ҳар бир жойда амалга оширилаётган бу каби ишлар давлат талаблари ва мезонлари асосида сифатли ва узоқ йиллар халқимизга хизмат қиладиган даражада амалга оширилмоқда.

— Биз учун сифат ва унинг назорати жуда муҳим, — дейди Азаматжон. — Мақтанишга йўлмангу ҳар бир қурилаётган объектларни белгиланган мезонлар асосида қуриб топширамиз. Бу биздан жуда катта масъулият талаб қилади. Шунинг учун доимо мутахассисларимизнинг малакасини ошириб бораемиз. Ўзим ҳам Германияга бориб тажриба ошириб келдим. У ерда немис қурувчиларидан шу соҳанинг барча сир-асрорларини ўрганиб, амалиётда қўллаяпман. Германияга сафаримиз чоғида замонавий техника-технологияларни ҳам харид қилдик. Айни пайтда ҳам германиялик малакали мутахассислар билан ҳамкорликда ишларимизни давом эттирмаймиз.

Азамат Сейтбаев раҳбарлик қилаётган "Керамика қурилиш сервис" МЧЖ жамоаси ҳозирги кунда ҳам қизгин иш билан банд. Жумладан, Нукус шаҳрида Республика дерматовенерология ва косметология илмий-амалиёт тиббий марказининг Қорақалпоғистон Республикасидаги минтақавий бўлими белгиланган талаблар даражасида фойдаланишга топширилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Масалан, 2022 йилги Давлат дастури асосида Нукус шаҳридаги "Янги Бозор" МФЙда 1000 та ўринга мўлжалланган тест марказини қуриш ишлари бошланмоқда. Келажакда бу ерда жаҳон андозалари даражасидаги ёшларимизнинг севибли масканларидан бири бўладиган замонавий мажмуа қад ростлайди.

— Корхонамизда ўз соҳасининг ҳақиқий мутахассислари, фидойилари фаолият кўрсатади, — дейди Азамат Сейтбаев. — Жамоамизда ҳалоллик билан ишлайдиган яхши инсонлар кўп. Масалан, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Айтбай Қурбоназаров, участка бошлиғи Жуманазар Жалолов, Сайловбек Абдуллаев, уста Кошкарбай Айекеев, бош ҳисобчи Кутлымурод Матканов, пайвандловчи Эдилбай Танжарбаевлар бизнинг фахримиз ҳисобланади. Умуман, жамоамиздаги ҳар бир аъзога ишончни оқлаётгани учун миннатдорлик билдираман.

Устозим Эрнатар Оташов бизга доимо ҳалол ишлашни, виждонан ҳар бир ишни қилишни қайта-қайта ўқтирар эди. Бугун ана шу ўғитларга амал қилиб кам бўлмаймиз, Яратганга

шукр. Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан биз қурувчиларга ҳам катта эътибор берилмоқда. Қурувчилар кун таъсис этилиб, ҳар йили байрам сифатида кенг нишонланмоқда. Шу кун фидойи ҳамкасбларимиз давлатимиз томонидан муносиб эътироз этилиб, юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда.

2003 йилда Бердақ номи Қорақалпоғистон давлат университетининг молия йўналишини тамомлаган мақоламиз қаҳрамони ҳозирги кунда Ташкент давлат архитектура ва қурилиш институтининг қурилиш-муҳандис йўналиши бўйича 3-босқичда сиртки бўлимда таҳсил олмоқда.

— Халқимизда "бир йигитга қирқ хунар ҳам оз", деган ҳикматли нақл бор, — дейди у биз билан суҳбатда.

### « ҚУРУВЧИЛИК ФАХРЛИ КАСБ ВА ВИЖДОНАН ИШ ҚИЛГАН ЭЛУ ЮРТДА ОБРЎ ТОПАДИ, ЭЛНИНГ ДУОСИНИ ОЛАДИ. »

— Ўз соҳасининг профессионал мутахассиси бўлиш ҳозирги даврнинг талаби. Мен ҳам шуни эътиборга олган ҳолда ўзимнинг фаолият йўналишим бўйича билим олишга қарор қилдим. Оиламиз зиёли бўлгани боис таълим олишимизга, илм эгаллашимизга доимо ота-онам томонидан рағбатлантирилганмиз. Онам Гулнора Айтимбетова ҳозирда 61 ёшни қарши олаёпти. Бутун умрини таълимга, ёш авлод камолотига бағишлаган онажоним ўзининг ўқувчиларини ҳам фарзандидек яхши кўриб, ҳар доим уларнинг олий ўқув юртларида ўқишлари, оилада, жамиятда ўз ўринларини топиши учун қайғурганлар. Яратганга шукр, бу фидойиликларни бесамар кетмади. "Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими аълочили"га лойиқ қўрилиб, бугун шоғирдларининг, элу юртнинг ардоғида.

Азаматжоннинг ҳар бир сўзидан ота-онасига меҳри билан эканлиги кўриниб турадики, бу албатта, қувонарли ҳол. Ўзаро суҳбатимиз чоғида маълум бўлдики, қаҳрамонимизнинг ўзи ҳам оиласини муқаддас қўрган, деб билган инсон бўлиб, невропатолог бўлган турмуш ўртоғи Бибимарямхон билан бир-бирдан ширин фарзандларини тарбиялаб, вояга етказишмоқда. Пўлат ака ва Гулнора опанинг севибли неваралари бўлган Айназар, Алпомиш, Айкуморнинг келажакда ўқимишли, комил инсонлар бўлиб вояга етишларини чин дилдан исташади, етарлича таълим-тарбия олиб, давлатимизга, жамиятимизга хизмат қиладиган фарзанд бўлишлари, бобо-момосидек элда эъзоз ва ҳурмат топишни орзу қилишади. Бу орзуларнинг амалга ошиши учун эса уларга барча шароитларни яратиб беришга астойдил ҳаракат қилишмоқда.

— Бахт ҳақида ҳар кимнинг ўз ташунчаси, ўз қарши бор, — дейди

суҳбатдошимиз.

— Менинг назаримда, тинч-осойишта юртда ўз оиланг бағрида кўнгли хотиржамлигида яшаш дунёдаги энг катта бахт. Тинчлик-хотиржамлик бор жойда тараққиёт бор, орзу-умидлар бор. Халқимиз азал-азалдан ўйни кичик Ватанга қиёслаб, бор меҳрини берган. Бизнинг фаолиятимиз ҳам ана шу жажжи Ватанлар билан боғлиқ эканидан доим фахрланамиз. Уй тўйларига чакирганида бошимиз осмонга етади. Тинч-осойишта юртимизга кўз тегмасин, элу юртда тўйлар, яхши кунлар кўп бўлсин, фарзандларимизнинг камолини кўриб юриш барчага насиб этсин, деймиш.

Устурт кенгликлариде бағрикенг бўлган қорақалпоқ элидан хизмат сафаридан қайтиш чоғида Мўйноқ туманида бўлдик. Туман айниқса, кечки пайтларда гўзаллашиб, бутун чиройи билан бизни маҳлиё қилди. Бундай ободончилик ва бунёдкорлик ишларида Азамат Сейтбаев ва жамоасининг ҳам хизмати катта бўлганини эслаб, кўнглимиз янада ёришиди. Бор бўлсин, юртнинг мана шундай ўғлонлари, деймиш!

Ойгул РАЗЗОҚОВА,  
журналист.



МУАССИС:

O'zbekiston ovozi

ТАХРИР НАҲ'АТИ:

Ulug'bek INOVATOV Muslihidin MUHIDDINOV  
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA  
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV  
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDYOQULOV  
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV  
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROVГ — 641. 2010 nusxada bosildi. O'zA yakuni — 21:35.  
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 00:55

t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.